БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 189 (17.173). ● 18 август 1978 йил, жума ● Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲАР БИР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ, БЎЛИМ ВА БРИГАДА ТОМОНИДАН БАЖАРИЛИШИГА, ШУНИНГДЕК ПАХТА ТЕРИМИ ВА УНИ ДАВЛАТГА ТОПШИРИШГА БАРЧА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТУГАЛЛАШГА ЭРИШИШ — ОБЛАСТЬ ВА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ, ОБЛАСТЬ ВА РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК, МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ, ТАЙЁРЛАШ, ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИКЛАРИНИНГ, «ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»НИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ВА УЛАРНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларини 1978 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қароридан).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ҚИШГА ОЗУҚА ҒАМЛАНМОҚДА

⊙ Ўзбекистон деҳқонлари олтинчи миллион тонна дағал ем-хашак тайёрлашга киришдилар. Терим-транспорт отрядлари бутун ўтган йилга нисбатан 800 минг тонна кўп озуқа ғамлаб қўйдилар. Фермалар яқинида ва олис яйловларда жами 8 миллион тонна — пландагидан қарийб икки баравар кўп дағал ем-хашак ғамлаш мўлжалланган.

Беда тез суръатлар билан ўриб олинмоқда. Бедазорларга тўртинчи марта косилка туширилди. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари 2280 минг тонна сенаж тайёрладилар. Шу билан йиллик план анча ошириб бажарилди. Улар 95 минг тонна ўт талқони тайёрладилар. Ҳозир республиканинг ҳамма зоналарида силос бостиришга киришилди. Хандақларга биринчи миллион тонна ширадор озуқа бостирилди.

БИР МАРОМДА

⊙ Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг Хонқа район бирлашмасида планда белгиланган иккита терим машинаси ўрнига ҳар куни 3 та машина ремонт қилинадиган бўлди. Бундай иш суръатларига конвейер жорий этилганлиги туфайли эришилди. Бу конвейерда барча технология ишлари бажарилмоқда. Бу ерга зарур эҳтиёт қисмлар ва узеллар узлуксиз етказиб турилибди. Бирлашма рационализаторлари ҳар бир иш жойини меҳнатни енгиллаштирадиган махсус қурилмалар билан жиҳозладилар. Буларнинг ҳаммаси иш вақтининг зое кетишини камайтириш, мураккаб машиналарни ремонт қилишни жадаллаштириш имконини берди.

Йил бошидан буён бирлашмада 350 та «зангори кема» тайёрлаб қўйилди. Ҳар бир машинага ремонтнинг юқори сифатли эканлигини гарантияловчи махсус талон берилди.

МАШИНА-УСКУНАЛАР ТЎЛИҚ ИШЛАТИЛЯПТИ

⊙ Бекобод районидаги Мавлонов номли совхозда механизаторлардан Х. Усмонов ва У. Турғунов рекорд қўйдилар. Улар ҳар куни 10-12 гектар — нормадан анча кўп пахтазорга ишлов беряптилар. Техникадан билиб фойдаланиш натижасида бунга эришилди. 34 та чопиқ трактори, культиваторлар, органик ўғит ташиш учун тележкалар комплекс отряд-лар ихтиёрига бериб қўйилган. Уларнинг составида кўчма ремонт устахоналари ҳам бор.

Ҳозир совхознинг 2300 гектар пахта далаларида ғўзага бешинчи бор ишлов бериляпти, тўртинчи суғориш охирлаб қолди. Ғўза яхши ўсмоқда: ҳар бир тупда 12-14 тадан кўсак бор.

ТЕРИМГА ПУХТА ШАЙЛАНАЙЛИК

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларини 1978 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорда таъкидланганидек, зарбдор йилда республикамиз йўлига 5 миллион 700 минг тонна пахта етиштириш, ялпи ҳосилнинг 70 процентини машиналарда териб олиш учун ҳамма жойда катта ташкилотчилик ишлари олиб бориляпти. Бу борада КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган доклади барча партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари учун жанговар программадир.

Пахтакорларимиз партия Марказий Комитетининг июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ҳамма жойда юксак социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштириш учун мусобақани кучайтиряптилар, айни кезда йиғим-теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга пухта тараддуд кўряптилар. Терим техникасини тайёрлаш айниқса кучайтирилмоқда.

Пахтакор хўжаликларимиз ҳар қачонгидан кўп «зангори кема»лар, транспорт воситалари, тўкилган пахтани терадиган, кўсак узадиган, кўрак чувийдиган, юк ортадиган ва тушиradиган агрегатлар ва бошқа механизмларга эгадир. Автотрактор парклари кенгайтирилди, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, ремонт ишлари саноат негизига кўчирилди. Кўчма устахоналар ташкил қилиниб, малакали механиклар, слесарлар, токарлар билан таъминланди. Ҳар қандай мураккаб вазифани муваффақиятли ҳал этишга қодир механизаторлар армиясига эгамиз.

Теримни қисқа вақтда уюшқоқлик билан ўтказишда бой тажриба тўпладик. Ўтган йили республикамиз бўйича машиналарда 3 миллион 400 минг тоннага яқин пахта терилиб, биринчи марта шундай юқори кўрсаткичга эришилди. Тошкент областида ялпи ҳосилнинг 81 проценти, Сирдарё ва Жиззах областларида 75 проценти бункерлардан тўкилди. Ғалаба, Коммунистик, Учқўрғон, Задарё, Оқолтин ва бошқа ўнлаб районларда пахта тайёрлаш планлари ва мажбуриятлар тақдирини асосан машиналар ҳал қилди. Машина теримида байроқдорлик қилаётган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Андижон», «Фарғона», «Гулбоғ», «Малик», «Учқўрғон», «Гигант» ва бошқа совхозларда ҳосилнинг деярли ҳаммаси қўл кучи ишлатилмасдан «зангори кема»ларда саранжом-саришталаб олинди.

Терим ипатоволиклар методи асосида ташкил қилиниши яхши самаралар берди. Сурхондарё областидаги «Ҳазорбоғ» совхозида бултур бешта теримчи отряди ишлади, ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унуми 145 тоннани ташкил этди, хўжалик қўшимча 76,7 минг сўм даромад олди. Ипатоволиклар методи республикамиз бўйича машиналар иш унумини 13 тонна кўтариш имкониятини берди.

Буларнинг ҳаммаси зарбдор йилда республикамиз бўйича юксак социалистик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштириш ва уни тез фурсатда юқоря сортлар билан териб олиш мумкинлигини исбот этмоқда. Бунинг учун партия ташкилотлари бутун куч, техника воситаларини пахта терими бошланғунча ҳамма жойда икки марта, ғўзаси нисбатан кам ҳосилли майдонларда уч марта комплекс парвариш қилишга сафарбар этишлари, резервларни шу мақсад йўлига хизмат қилдиришлари, коммунистларнинг ҳосил тақдири ҳал қилинаётган участкаларидаги авангардлик ролини таъминлашлари лозим. Август ойини ҳақиқий ҳосилга ҳосил қўшиш ойига айлантиришимиз керак

Озарбайжонлик, тожикистонлик ва туркманистонлик мусобақадош дўстларимиз пахтадан рекорд ҳосил етиштириш борасида олиб борилаётган ибратли ишларимиз, қўлга киритган ютуқларимизни таъкидлаш билан, йўл қўйилган камчиликларни ошкора кўрсатдилар, қимматли маслаҳатлар бердилар. Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва бошқа қатор областларнинг қатор хўжаликларида ғўза парвариши сусайтириб юборилмоқда, культивация сифатсиз ўтказиляпти, суғоришда тартибсизликка йўл қўйиляпти, ўсимлик қийғос ҳосил тўплаётган шу кунларда органик ўғитлар билан етарли даражада озиқлантирилмаяпти, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши таъсирчан чоралар кўрилмаётир.

Ўтган йили республикамиз бўйича 26 район, 352 хўжалик белгиланган машина терими планини бажармади, машиналарнинг мавсумдаги иш унуми 65-70 тоннадан ошмади. Бунга техникани мавсумга сифатли тайёрламаслик, дефолиацияни вақтида ўтказмаслик, механизатор кадрлар сафини мустаҳкамламаслик каби нуқсонлар сабаб бўлди. Афсуски, бу йил ҳам кўпчилик колхозлар, совхозлар, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг район ва область бирлашмаларига қарашли устахоналарда ана шундай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу йил ҳар бир хўжаликда машина терими плани ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш қонун, уни бажармаслккка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Пахта терими, хусусан машина терими бошланишига саноқли кунлар қолишига қарамай Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Қашқадарё ва Жиззах областларининг бир қанча хўжаликларида техникани мавсумга тайёрлаш кечиктириляпти, ремонт сифати паст бўляпти, жамики техника ва транспорт воситалари ремонт билан қамралган деб бўлмайди. Устахоналарда ремонтчилар етишмайди, меҳнат интизоми мустаҳкамланмаган. Бошқа жиддий камчиликлар ҳам содир бўлмоқда.

Республика партия ва ҳукумати вазнини ҳисобга олиб, меҳнат коллективларининг активлигини ошириш ва уларнинг куч-ғайратларини мўл ҳосил тўплашни таъминлашга, ғўза парвариши суръатларини оширишга, суғориш, культивацияни кучайтиришга, бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларини бутунлай қириб ташлашга даъват этдилар, шу тарика беш йиллиқнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг ҳар бир колхоз ва совхоз, бўлим ва бригадада бажарилишига, теримга тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллашга эътиборни қаратдилар. Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари кун тартибига қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш чораларини кўришлари зарур.

Терим техникаси, транспорт воситалари, юклаш-туширш механизмлари ҳамда бошқа машиналарни ремонт қилиш ва тайёрлаш 20 августгача тўла-тўкис, юқори сифатли ремонтдан чиқарилиши, икки сменада ишлатиш учун механизатор кадрлар билан комплектланиши, 30 августга қадар эса бошқа техника воситалари шайланиб бўлиниши зарур. Бу билан теримнинг дастлабки кунларидан бошлабқ юқори кўрсаткичларга эришишга мустаҳкам замин яратамиз. Ўтган йили республикамизда ипатоволиклар методи асосида 2.688 комплекс отрядлар ташкил қилинган эди, бу йил ана шундай отрядлар сонини янада кўпайтириш, мавсумда икки қаторли машиналарда ками 120-125 тонна, тўрт қаторликларида 200 тоннага етказиб пахта терилишига эришиш, 500-600 тонналик маррани нишонга олган илғор механик ҳайдовчиларнинг ташаббусини кенг қўламда оммалаштириш даркор. 20 августдан 25 августгача пахта териш ва уни тайёрлашга ҳозирлик ишлари районлар, хўжаликлар ўртасида ўзаро текширишдан ўтказилиши лозим.

Машина теримининг тақдирини энг яхши агротехника муддатларида сифатли ўтказилган дефолиация ҳал қилади. Шу мақсад учун майдонлар ажратиш, дефолиантларни ташиб олиш, самарали фойдаланиш режаларини белгилаш, самолётларга учиш-кўниш жойлари ҳозирлаш ишлари шу кунларда тез ва соз бажарилиши талаб этилади. Ҳосилнинг 70 процентини «зангори кема»ларда териш давлат аҳамиятига эга бўлган сиёсий ишдир.

Партия ташкилотлари ҳосилни қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай териш ва тайёрлаш, планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришдек шарафли вазифаларни колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари ва бригадирлари, пахта терш машиналарининг механик ҳайдовчилари, пахта теримчилари ва тайёрлаш пунктларининг ходимлари онгига сингдиришлари, мусобақани кучайтиришлари керак. Машинада теришлган пахтанинг ифлосланишини камайтирганлик учун, уни давлатга юқори сифатли қилиб топширишни таъминлаганлик учун 50 процент устама берилишидан ҳаммани хабардор қилиш лозим. Теримнинг юксак суръатлари ва давлатга топириладиган пахтанинг юқори сифатли бўлишини таъминлаган Қорақалпоғистон АССР, областлар, районлар, колхозлар, совхозларни, илғор механизаторлар ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида кўчма Қизил байроқлар таъсис этилди, юк ва енгил машиналар, пул мукофотлари ажратиладиган бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, комсомол, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари, колхоз ва совхозлар КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун механизаторлар, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ўртасида социалистик мусобақани кенг кулоч ёздириб, пахта теримига ўз вақтида ва юқори сифатли тайёргарлик кўриб ўтказилишини таъминлайдилар ҳамда давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларинг сўзсиз бажарилиши учун ҳамма чораларни кўрадилар деб комил ишонч билдирдилар. Бунёдкорлик меҳнатимиз билан партия ва ҳукуматимизнинг ишончини оқлайлик!



Суратда: Зомин тоғ-ўрмон районида бунёд этилаётган маъмурий-маданий ва спорт марказининг манзараси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ДАМ ОЛИШ, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, СПОРТ ЗОНАСИ

16 август куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида Жиззах областининг Зомин районида бўлиб ўтган кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Зомин тоғ-ўрмон районида қишки спорт турлари маркази ва соғломлаштириш-спорт комплексини барпо этиш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Бир қанча министрликлар ва идоралар, касаба союз, комсомол ташкилотларининг раҳбарлари шу ноёб комплексни қуриш билан боғлиқ топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида маълумот бердилар.

Туркистон тизма тоғи этакларида, Зомин қўриқхонаси ёнида санаторийлар, оилавий дам олиш уйлари, пионер лагерлари қад кўтаради. Жамоат маркази, совет ва чет эл сайёҳлари учун меҳмонхона ва кемпинглар қуриш кўзда тутилган.

Спорт комплекси оммавий спорт талабларига, айни маҳалда энг юксак халқаро стандартларга мос келади. Тоғ чанғичилари, чанада учувчилар учун трассалар белгилаб чиқилди. Спортчиларни старт жойларига арқон йўллар кўтариб чиқаради. Жануб қуёши остида муз устида хоккей ўйнаш ва конькида фигурали учишдан иборат азалий орзу амалга оширилади: усти очиқ яхмалаклар қуриш лойиҳаланган.

Стадионлар, ипподром, от спорти манежи, сузиш бассейнлари, спорт заллари, ўйин майдонлари тоғ манзарасига пайваста бўлади.

Бу ерда ГТО нормаларини бажарувчи кишилар учун ҳам, юқори класс спортчилар учун ҳам шароит яхши бўлади. Бу зонада республиканинг қишки спорт турлари ва бошқа бир қанча спорт турлари бўйича терма командаларини тайёрлаш ишлари олиб борилади. Бу ерда мамлакатнинг терма командалари ҳам азиз меҳмон бўлади. Спорт профилидаги мактаб-интернат юқори малакали спортчилар тайёрлашга ёрдам беради.

Зомин комплекси табиий шароитлари ва иншоотларининг класси бўйича келажакда жаҳон спортининг энг машҳур марказларидан ҳам қолишмайди.

Ҳозир иш қўламини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Лойиҳачилар дастлабки чизмаларни чиқариб бердилар, техника ҳужжатларини тайёрлашни жадаллаштиряптилар. Катта Ўзбекистон трактини Зомин зонаси билан боғлайдиган автомобиль йўли қурилди, бошқа коммуникациялар ҳам ётқизилмоқда, қурилиш майдонлари тайёрланмоқда. Ишларни жадаллаштирувчи ва юксак сифатли бўлишини таъминловчи бир қанча чоралар белгилаб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, А. А. Хўжаев, Г. М. Орлов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ГЕКТАР БОШИГА 100 ЦЕНТНЕРДАН

Жиззах областидаги «Самарқанд» совхозининг Тошпўлат Исломов бошлиқ бригадаси маккажўхорикорлари ҳосил ўрим-йиғимини бешинчи кунида тамомладилар. Бунда смена нормаларини анча ошириб бажарган механизаторлардан А. Исломов билан К. Мусаевнинг хизмати каттадир. Эллик гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон ҳосили олинди. Ҳосил ўриб олинганидан кейин дарҳол далалар кузги буғдой экиш учун ҳайдаб қўйилди.

Бу йил Жиззах областида элликка яқин маккажўхорикорлик бригадаси ҳар гектар ердан юз центнердан «каҳрабо дон» ҳосили олиш учун курашмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил ва самарали ишлаганликлари, янги авиация техникасини ўзлаштиришга ва ишлаб чиқаришга жорий этишда шахсан ҳисса қўшганликлари, давлат плани ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Моисей Израилевич **Брусиловскийга**, цех бошлиғининг ўринбосари Абдуҳаким Абдулазизович **Иброҳимова**, цех бошлиғи Маина Ивановна **Красноваг**а ва бош технолог ўринбосари Альберт Тимофеевич **Полубаркинга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун, бошқарувнинг автоматлаштирилган системаларини жорий этишга шахсан ҳисса қўшганлиги, план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришилган муваффақиятлари учун В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехининг пландиспетчерлик бюроси бошлиғи Нина Капитоновна **Валдаева**ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми давлат плани ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун ҳамда коллективга «Коммунистик меҳнат коллективи» номи берилиши муносабати билан В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎРИМ АВЖИДА

ЖИЗЗАХ («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз маккажўхоризорларида ўрим-йиғим ишлари кун сайин қизғин тус олмоқда. Хўжалик бўйича бу йил 581 гектар ерга дон учун маккажўхори экилганди. Улкан майдонлардаги «дала маликаси» яхши парвариш қилинганлиги туфайли мўл ҳосил етиштирилди.

Охунбобоев номли совхоз меҳнатчилари гектаридан пландаги 44 центнер ўрнига ўртача 70 центнердан маккажўхори дони олишга қарор қилганлар. Хўжаликнинг Тинчликбой Оролов раҳбарлик қилаётган маккачилик бригадаси азаматлари эса гектаридан 100 центнердан дон ва кўплаб силосбоп кўкпоя олишга шайланишган. Бульдозерчи Келдиёр Раззоқов бригаданинг 65 гектарлик майдонини ўрим-йиғимга тахт қилиб бергач, «Херсонец» комбайнлари маккажўхоризорларга кирди. Уларни моҳир комбайнчилар Холмурод Тинчликов, Абдусаид Раҳимовлар бошқариб, ҳар бири кунига тўрт ярим — беш гектар ердаги маккажўхори ҳосилини йиғиштириб бермоқда.

Совхознинг Худойберди Боймирзаев бошлиқ маккажўхорикорлик бригадасида ҳам ўрим-йиғим қизғин боряпти. Гектаридан 100 центнерга етказиб дон олинмоқда.

Хўжалик азаматлари маккажўхори ҳосилини тез кунда нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш иштиёқида унумли меҳнат қилаётирлар.

ҚУРИҚ ДОНИ

ҚАШҚАДАРЁ. Қўриқ Усмон Юсупов райони далаларида маккажўхори ўрими қизғин олиб борилмоқда. 1410 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Район «каҳрабо дон» ижодкорлари ҳар гектар майдондан пландаги 40 центнер ўрнига 90 центнердан дон топширишга аҳд қилишган.

Райондаги Автономов номли совхоз далаларида, айниқса, ҳосил мўл бўлди. Хўжаликда 170 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 100 центнердан хирмон кўтариш мўлжалланяпти. Совхознинг Шафоат Рустамова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси областда пешқадам коллективлардан ҳисобланади. Бригада бу йил 55 гектар майдонда маккажўхори ўстирди. Шу кунларда бу ерда маккажўхори ўрими қизғин олиб борилмоқда. Биз бригада далаларида бўлганимизда Шафоат Рустамовани пайкалда учратдик.

— Далаларимизда етиштирилган ҳосилни ўриб-йиғиб олишда 4 та «Херсонец-7» комбайни ишлатилмоқда. Уларни моҳир механизаторлардан Эрназар Беknазаров, Олим Ғузоров, Гулмаҳмад Қўлдошев кабилар бошқаришяпти, — дейди Ш. Рустамова. — Улар ишда сифатга алоҳида эътибор беришяпти.

— Марра қандай?

— Мақсадимиз улуғ. Шунга яраша меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдик. Ҳар гектар ердан 120 центнердан дон ва 500 центнердан кўкпоя олишга бел боғлаганмиз. Ҳозир ҳар гектар ердан янчиб олинган дон 125 центнерданни, озуқа эса 520 центнерданни ташкил этмоқда.

Бригадада ишлаётган комбайнлар билан бирга тележкалар ҳам бир маромда юриб боряпти. Дон ва кўкпоя ортган тележкалар қатнови бир зум ҳам тўхтамайди.

Районнинг 30-совхозидаги Бекмирза Султонов, «ВЛКСМ XVII съезди» совхозидаги Ислом Султонов, Ульянов номли совхоздаги Тошпўлат Хўжамқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ўрим суръати ошмоқда. Бу коллективларда ҳозиргача ҳар гектар майдондан ўриб олинадиган маккажўхори дони ҳосили 100 центнерданни ташкил этмоқда.

М. КАРИМОВ.

Топшириқ бажарилди

Қамаши районида 89 минг тоннадан зиёд дағал хашак тайёрланди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1978 йилда ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни анча кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида иш тутган Қашқадарё область Қамаши райони чорвадорлари ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Районда 85 минг тонна дағал хашак тайёрлаш мажбурияти олинган эди. Белгиланган бу марра 89335 тоннага етказиб адо этилди. Шу жумладан, беда пичани тайёрлаш топшириғи ортиғи билан бажарилди. 3855 гектар ердан 36044 тонна беда пичани жамғарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14353 тонна кўпдир. Шунингдек, 39231 тонна сенаж бостирилди, 3424 тонна табиий пичан, 389 тонна витаминли ўт уни ва бошқа озуқалар тайёрланди. Бу соҳада райондаги Карл Маркс номли, «Сарғона» совхозлари, Ленин номли, «Марксизм» колхозларида, айниқса, яхши натижаларга эришилди.

Район хўжаликларида озуқа тайёрлаш қизғин давом эттирилмоқда. Бу ишни 20 та махсус ем-хашак тайёрлаш зарбдор бригадаси намунали амалга оширяпти. Бригадаларга 624 ишчи кучи, 120 сенокосилка, 8 та «КИР-1,5» агрегати, 59 трактор бириктирилган.

М. ХОЛМУРОДОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

БОШ ВАЗИФАМИЗ

А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришнинг янги босқичини белгилаб берди. Пленум ҳужжатларини ўрганиш ва қишлоқ хўжалигининг ҳар бир конкрет тармоғидаги аҳволни таҳлил этиш коммунистик мўл-кўлчиликни яратишда катта имкониятлар ва резервларга янгидан-янги истиқболларга эга эканлигимизни ёрқин кўрсатмоқда.

Сурхон-Шеробод водийсининг барча меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда айтган қуйидаги сўзлар ғоят тўлқинлантириб юборди. «Партия ва давлатнинг куч-ғайрати, пахтакорлар ва мелиораторларнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатда пахта етиштиришни мутасил кўпайтиришнинг ишончли базаси яратилди».

Сурхондарё пахтакорлари қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтиришни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги марказий вазифалари деб тушунмоқдалар. Чунки областимиз республикадагина эмас, мамлакат миқёсида ҳам ипак пахта етиштиришда салмоқли ўринни эгаллайди. Республикамизда етиштириладиган ингичка толали пахтанинг 65 пропентини, мамлакатимизда эса 25 процентини областимиз етказиб бермоқда.

Область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги органлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Республикада ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида» ҳамда «КПСС XXV съезди қарорлари асосида Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Наманган областларида ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига амалий иш билан жавоб бериш йўлида катта партиявий-ташкилий ишларни олиб бордилар. Республика партия ва ҳукуматимизга қарор ва кўрсатмалари область ва район миқёсидагина эмас, ҳар бир бригада, бўлим ва участка, колхоз ва совхоз коллективларида, коммунист ва комсомолларнинг йиғилишларида кенг муҳокама этилиб, ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтиришдаги барча имконият ва резервлардан тўлароқ фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилди. Бу масала юзасидан область ва район партия комитетларининг пленумлари, область ва район Советларининг сессияларида қабул қилинган қарорлар ижроси мутасил текшириб турилибди, йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга эришилмоқда. Хўжаликларнинг бошланғич ва цех партия ташкилотлари, бригада партия группаларида ипак пахта етиштиришни барча чоралар билан кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, хусусан ингичка толали пахтани машинада териш вақтида ҳосилнинг ифлосланиб ёки хўл терилиб сифати пасайиб кетишига йўл қўймасдиклари каби энг муҳим масалаларга доимо диққат-эътиборларини жалб этиб келмоқдалар.

Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми қарорларига оғишмай амал қилдилар, партия ва ҳукуматимизнинг бундан кейинги кўрсатмаларига таяниб ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, айниқса қишлоқ хўжалигини хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси негизида қайта қуриш билан изчил шуғулланмоқдалар. Область пахтачилигида 1965 йилдан бўён юз берган катта ўзгаришлар, ипак пахта етиштиришдаги жиддий силжиш бунинг қанчалик самарали бўлганлигини аққол кўрсатади.

1966 йилда областда пахта майдонлари 112,1 минг гектарни ташкил этган бўлса, шундан 23,9 минг гектари ингичка толали пахта экиладиган майдонлар эди. Ўтган юбилей йилида ингичка толали ғўза навлари 59,4 минг гектар ерга экилди, кейинги 7 йил ичида ипак пахта майдони 23,4 минг гектарга кўпайди.

Ингичка толали пахта майдонларининг кенгайиши билан бир вақтда ҳосилдорлик ҳам орта борди. 1970 йили ҳар гектар ердан 29,8 центнердан, деҳқончилик учун ноқулай келган, қурғоқчил 1977 йилда эса 30,6 центнердан ингичка толали пахта ҳосили олинди. 1966 йили ялпи ҳосилнинг қариб 17 процента миқдорида ёки 53,1 минг тонна ипак пахта хирмони кўтарилган бўлса, 1977 йили 182 минг тонна миқдорида ингичка толали пахта тайёрланди.

Ҳозир Термиз райони хўжаликлари, Жарқўрғон райони колхозлари ипак пахта етиштиришга тўлиқ ихтисослаштирилди. Термиз райони бўйича ингичка толали пахта ҳосилдорлиги 31,4 центнерни, Жарқўрғон районида эса 32,9 центнерни ташкил этмоқда. Қўриқ ерларда — Гагарин ва Ленин йўли районлари совхозларида ҳам қимматбаҳо хом ашё етиштириш йил сайин ўсиб бормоқда. Гагарин районида ялпи пахта ҳосилининг 59 процентини, Ленин йўли районида эса 45 процентини ипак пахта ташкил этди.

Ингичка толали пахта етиштираётган қатор хўжаликлар ҳосилдорликнинг мутасил ошиб боришини таъминламоқдалар. Шеробод районидаги «Партия XXII съезди», Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозлари йил сайин ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ипак пахта ҳосили териб олмоқдалар, 9 та колхоз ва совхоз ипак пахта ҳосилдорлигини 35-40 центнерга, 17 та хўжалик 30-35 центнерга етказди.

Областимизда кўплаб ингичка толали пахта усталари етишиб чиқмоқда. Уларнинг бой тажрибаси ипак пахтачиликни ривожлантириш, бу соҳада дадил олға силжишимизда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ипак пахта усталари ингичка толали пахта ҳосилдорлигини оширишнинг янгидан-янги резерларини қидириб топмоқдалар. Бу биринчи галда агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш, ҳар бир тадбирнинг ўз вақтида ва ғоят сифатли ўтказилишини таъминлашдан иборат бўлмоқда. Бундан ташқари дала ишларини комплекс механизациялаш туфайли пахтачиликда қўл меҳнатини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришиляпти. Масалан, Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Ўскин Аҳмедов бошлиқ бригаласи коллективи бир неча йиллардан бери ипак пахта ҳосилдорлигини 60 центнердан камайтирмаётир. Бу бригада аъзолари ўтган йили 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 62 центнердан ипак пахта етиштирдилар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Партия ташкилотлари илғорлар тажрибасини кўпчилик мулкига айлантириш йўлида катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар.

Биз ингичка толали пахта йиғим-теримини механизациялашга эътиборни тобора кучайтирмоқдамиз. Бу соҳада ипатоволиклар тажрибасини оммалаштириш ажойиб самара бераётир. Гап ипак пахтани машина ёрдамида йиғиштириб олиш ҳақида борар экан, бунда эришилган ютуқларимиз беқиёслигини таъкидлашимиз керак. Областимизда ипак пахтани машиналарда териш 1964 йилда синаб, тажриба қилиб кўрила бошланган эди. Бултур машиналарда терилган ипак пахта салмоғи 77,1 минг тоннага етди.

Область партия ташкилоти ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш бўйича катта ташкилий-хўжалик тадбирларини амалга оширмоқда. Бу соҳада илғор хўжалик ва бригада коллективларининг ватанпарварлик ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаб, пахтачиликни ривожлантиришда умумий юксалишга эришилмоқда. 1977 йили ипак пахта етиштиришни кўпайтиришда Термиз райони меҳнаткашлари ташаббус билан чиққан эдилар. Бу йил эса областимиз пахтакорларининг 200 минг тоннали ингичка толали хом ашё етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Ҳозирги кунларда областимиз далаларида зиммага олинган юксак мажбуриятни тўла коплайдиган даражада ҳосил тўплаш учун кизғин кураш олиб борилмоқда. 60 минг 486 гектар ердаги ингичка толали пахта меҳр билан парвариш қилиняпти.

Область партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ипак пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини туб даражасидан яхшилашга қаратилган конкрет чора-тадбирлар ишлаб чиқдилар. Бу тадбирларга кўра 1980 йилга бориб пахта майдонлари 100 минг гектарга етказилади ва 300 минг тонна қиммат баҳо хом ашё етиштирилади.

Жуда пухта ўрганиб чиқилган перспектив планга асосан келгуси беш йилликнинг охири — 1985 йилга бориб, Сурхондарё кам деганда 650-700 минг тонна пахта, шу жумладан 400 минг тонна ипак пахта етиштирадиган бўлади. Бунинг учун мавжуд каналлар кенгайтирилади. Фақат ипак пахтани суғоришга мўлжалланган ўз сатҳига 500 минг кубометр сув сиғдиралиган «Оқ тепа» сув омборини қуриш ишлари жадал давом этяпти.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, областимизда ипак пахта етиштиришни кўпайтириш учун янги истиқболлар очилмоқда. Чўлда янги ерларни ўзлаштириш давом этяпти. Боботоғ ва «Хотинработ» массивларидан ўзлаштирилган қўриқ ерларда ҳам ипак пахта етиштирилади.

Ипак пахта етиштиришни кўпайтиришдаги яна бир катта резервимиз областимиз табиий иқлим шароитларига мослашган ва серҳосил пахта навларини экишдир. Бизда ингичка толали пахтанинг анчадан бери «5904-И», «С-6029», «С-6030» навлари қатори маҳаллий селекционерларимиз яратган «Т-7» нави экиб келинади. Тажриба областимиз шароитида ишлаб чиқарилган маҳаллий навларнинг устунлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ипак пахтанинг толаси пишиқ ва серҳосил «Т-7» навини кенгроқ майдонга жойлаштиришга эътибор кучайтирилмоқда. 1977 йили «Т-7» нави уруғи 3461 гектар ерга экилиб, ҳар гектаридан 33,8 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил маҳаллий нав чигити 6824 гектар ерга экилди.

Областимиздаги пахтачилик тажриба станцияси ва давлат нав синаш участкаларида ипак пахтанинг «Т-10», «Т-13», «Т-14», «Сурхон-3» каби маҳаллий навлари синаб кўрилмоқда ва дастлабки натижалар бу навларнинг юқори сифатли тола бериши билан бир вақтда серҳосил ҳамда тезпишар эканлигини кўрсатмоқда.

Сурхондарё ипак пахта етиштиришда республикамиздаги асосий пахта базаси эканлигини, унинг табиий иқлим шароитлари ингичка толали пахта етиштириш учун ғоят қулайлигини, малакали илмий ходимлар етарли бўлганлигини ҳисобга олиб биз, область пахтачилик тажриба станцияси базасида Ипак пахтачилиги илмий тадқиқот институтини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши областимизда ипак пахтачилигини ривожлантириш, биринчи галда ингичка толали пахтанинг ҳозирги талабларга жавоб берадиган янги навларини яратиш, унинг уруғчилигини йўлга қўйиш ва уларнинг агротехникасини ишлаб чиқишни тезлаштириш каби катор ишларга самарали таъсир кўрсатган бўлар эди.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитети июль Пленуми тарихий хўжжатларини кизғин қўллаб-қувватлаб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини бир текис ривожлантириш учун курашаётган областимиз механизаторлари ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида она-Ватан омборларига 500 минг тонна Сурхон «оқ олтин»ини, шу жумладан 200 минг тонна ингичка толали пахта тўкишни, ипак пахта етиштиришни кескин кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашни ўзларининг бош вазифалари деб ҳисобламоқдалар.

Термиз жисмоний тарбия техникумининг 53 кишилик студент-қурилиш отряди коллективи Шўрчи ғалла маҳсулотлари комбинати қурилишида фаол қатнашмоқда. Ишлаб чиқариш корпуси ва силос сақлаш иншоотлари қурилиши тугалланмоқда. Суратда: студент-қурилиш отрядининг аъзоларидан Эшонқул Муҳаммаднев, отряд бригадири Абдулла Ниёзов ва Файзулла Пардаев.

Г. Ёқубов фотоси.

МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Вобкент районида аҳолига кино хизмати кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Шу кунларда 29 та киноустановка, 8 та қишки, бир неча ёзги клуб меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатмоқда. «Зарафшон», Калинин номли, Энгельс номли, «Пахтакор» колхозларида шинам клублар қурилиб ишга туширилди. Хергўш поселкасида 200 ўринли кинотеатр биноси қурилиши поёнига етказилмоқда.

ХИЛМА-ХИЛ ГАЗЛАМАЛАР

«Наманганда тайёрланган» тамғаси момиқ ва тола тойлари Чита, Қизил, Улан-Удэ шаҳарларига тез-тез жўнатиб турилибди. Шу йил бошидан бери 1000 тоннадан зиёд, биргина июнь ойида 697 тонна тола ва 300 тоннадан ортиқ момиқ Шарқий Сибирга жўнатилди.

«Оқ олтин» махсулотидан тўқилаётган 35 хил газлама эса ўз навбатида Ўзбекистонга Россия ўлкасидан келиб турибди. Область пахта тозалаш саноати ишчилари сибирликлар буюртмасини ўз вақтида бажариш учун мусобақани кун сайин қизитмоқдалар.

ЗИРАБУЛОҚЛИКЛАР ТАШАББУСИ АСОСИДА

КАТТА ТАРАДДУД

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ. ЯНГИ ПОТОК ЛИНИЯЛАР, КЕНГ МАЙДОНЧАЛАР, ИМКОНИЯТ БОР-У, АММО... ИККИ ЎРТАДА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР САРСОН.

Ленин орденли Наманган области пахтакорларининг зарбдор меҳнат йилидаги режалари катта. Улар она-Ватан хазинасига 480 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳду паймон қилганлар. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари дала меҳнаткашларининг ғайрат-ташаббусини янада кучайтириб юборди. Ҳосил пишиб етилаётган бўлишига қарамай барча колхоз, совхозларда ғўза парвариши кизғин давом этмоқда. Жуда кўп хўжаликларда катта-катта майдонлардаги ғўзалар машина теримига мослаб, калта бўғин, серҳосил қилиб ўстирилаётир.

Ҳосил тарозига тушалиган кун тобора яқинлашмоқда. Кўсакларнинг олди очилиб, ҳалол меҳнат меваси — «оқ олтин» чаноқлари кўзга ташланмоқда. Кўп тўмай дур-жавоҳир ортган карвонлар тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводлари томоч оқиб кела бошлайди.

Хўш, йиғим-терим мавсумига тайёрлов ташкилотларининг вакиллари қандай қўрамиз кўрмоқдалар? Наманган область «Заготхлопкопром» корхоналари янги пахта ҳосилини қабул қилишга тайёрми? Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларини пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорига жавобан қандай чора-тадбирларни белгиламоқдалар?

Бу саволлар бизни йўлга чорлади. Мана. Норин пахта тозалаш заводидамиз. Корхонанинг кенг ва ёруғ лабораториялари, қуритиш ва тозалаш цехлари муддатидан илгари ремонтдан чиқарилган Зарур ўлчов асбоблари мураккаб приборлар шайлаб қўйилган. Завод ишчилари, инженер-техниклари энг оғир ишларни машина-механизмлар «гардани»га ортиш йўлида, айниқса, катта ишларни амалга оширганлар. Бу ерларги линтер цехи реконструкция қилинди. «З—ОВП» маркали бешта кудратли механизм, «2-СВ-10» маркали бир нечта барабан ўрнатилди. «РБХ» пахта юклагичлар, «ТЛХ-18» маркали транспортёрлар созланди. Бу ишларни юқори сифатли қилиб бажаришда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Е. И. Шкирька, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ш. Қозиров, Н. Сатторов, М. Маҳмудова каби пешқадам ишчилар бошқаларга ибрат бўлдилар.

— Зар қадрини заргар билади,— дейди корхона тайёрлов бўлимининг бошлиғи М. Ҳожиев,— биз зирабулоқликлар ташаббуси асосида пахта сифати, салмоғи учун бир мунча ишларни қилдик. Чунончи, районимиздаги Калинин номли, «Октябрь», «СССР 50 йиллиги» каби хўжаликларда янги ҳосилни қабул қилиб олишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар Масалан, Чортоқда ипак пахтани қайта ишлайдиган янги цех ишга солинди. У аввалги ярим кустар типидаги линиядан қудратли ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлантирилган корхонага айланди. Учқўрғон, Гулбор пахта тозалаш корхоналарида чанг ҳавони икки сидра қайта тозаловчи янги механизмлар ишга туширилди. Барча корхона ҳамда тайёрлов пунктлари қошида ишчилар ошхоналари, чойхоналари ишлаб турибди. Жумладан, бу йил 50 дан ортиқ ошхона, 40 га яқин чойхона, 15 та медицина-санитария пункти ишчи-хизматчилар хизматида бўлади. Бу тадбир меҳнат унумини кўтаришга, ишчиларнинг қўнимсизлигини тугатишга ёрдам беради. Бир қанча корхоналарда линтер машиналарининг арраларини автоматик усулда алмаштириш, тинчиб қазишни механизациялаш каби бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир.

Норин районидаги Камабоши тайёрлов пункти территорияси 1,2 гектарга кенгайтирилди. Ғарамлаш майдончалари 18 талан 25 тага етказилди. Ҳар сменада 60—70 тонна хом ашёни қуритиш-тозалаш қувватига эга бўлган «6А-12» маркали янги агрегат ишга туширилди. «Ленинобод». Учтепа пахта пунктларида ҳам янги серунум машина-механизмлар монтаж қилинди. Қудратли поток линиялар қурилди. Буларнинг ҳаммаси янги мавсум ҳосилини тўхтовсиз қабул қилиб олиш, уни жадал суръатларда қайта ишлаш корхоналарига етказиб беришни таъминлайди.

— Ҳар йили пахта йиғим-теримига катта тайёргарлик кўрамиз,— дейди «Заготхлопкопром» бош инженери Фазлиддин Қурбонов. — бу йил ҳам янги мавсумга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳозиргача 9 та пахта тозалаш заводи, 40 дан ортиқ тайёрлов пункти муддатидан анча илгари шайлаб қўйилди. Бундан ташқари, Чуст районида Шўркент, Поп районида Навбаҳор янги пахта тайёрлов пунктлари қурилди. Аммо мавсум бошланганда кейин яна қандайдир камчилик содир бўлади. Бирон машина-механизм ёки эҳтиёт кисм етишмай ишнинг белига тепади.

Дарвоқе. Ўтган хўжалик йилида область тайёрлов пунктлари, пахта тозалаш заводлари юқоридагидек камчиликлар туфайли жиддий қийинчиликларга дуч келганди. Бу йил ўша хатодар яна такрорланмоқда. Чунончи, «Ташхлопкомаш» заводи (директори С. П. Тетушкин) йилнинг ўтган ойлари мобайнида 6 минг ўрнига 2700 дона «колосник», линтер машиналарига 80 та ўрнига 50 дона брак «валь», пахтани ғарамловчи 22 та транспортер ўрнига 9 та транспортер юборди, холос.

Яқинда антиқа воқеанинг гувоҳи бўлдик. «Ташхлопкомаш» заводи маъмурияти Наманган «Заготхлопкопром» корхоналари ихтиёрига 14,5 минг сўмлик зарур бўлмаган (буюртма шартномада йўқ) машина-механизмлар, эҳтиёт кисмларини вагонга ортиб юборган. Бундан илгари ҳам салкам 6 минг сўмлик эҳтиёт кисмлар юборилганди. Наманган «Заготхлопкопром» раҳбарлари ҳам аноийи одамлардан эмас. Улар ҳам ўз навбатида жами 20 минг сўмлик турли машина-механизм ва эҳтиёт кисмларни Тошкентга қайтариб вагонга юклаб юборишди. Икки ўртада сарсон-саргардон бўлган машина-механизмлар, эҳтиёт қисмларга қанча-қанча вагонлар, давлат пули «овора» бўлаётганини айтмайсизми? Масъулиятсизлик, бақибегамлик бундан ҳам бўлакча бўлиши мумкинми?

Янги пахта ҳосили қабул қилиб олишга тайёргарлик борасида ҳали охирига етказилмаган ишлар кўп. Беш йилликнинг зарбдор йилида ҳамма: пахтакор ҳам, тайёрлов ташкилотларининг вакиллари ҳам зарбдорчасига меҳнат қилишга даъват этилганлар. Вазифа, мавсумга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қисқа муддатларда намунали уддалаб қўйишдан иборатдир.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ВА ҲАЁТ

АНИҚ МАҚСАДЛАР, ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛЛАР

М. ОХУНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институти директори, тарих фанлари доктори.

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладидан келиб чиқувчи қоида ва хулосаларни кизғин маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу тарихий ҳужжатларда партиянинг мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳозирги босқичдаги сиёсати ва амалий фаолияти атрофлича таҳлил қилинган, ривожланган социализм жамияти экономикасининг ана шу муҳим тармоғини янада юксалтиришнинг асосий йўллари ва конкрет тадбирлари чуқур илмий асосда белгиланган. Мазкур ҳужжатлар, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади КПСС ленинча аграр сиёсатини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бу сиёсат социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг улуғвор истиқболларини очиб беради, совет кишилари фаровонлигининг тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлайди, халқимизни коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажариш учун бундан буён ҳам олиб бориладиган курашнинг аниқ программаси билан қуроллантиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Х пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг шу пленумдаги «Партиянинг аграр сиёсатини ривожлантиришда янги босқич» докладида жонажон партиямизнинг ҳозирги аграр сиёсатини бошлаб берган КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейинги ўтган даврда республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим якунларига мукаммал тўхтаб ўтилди ва КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарори ҳамда Ўртоқ Л. И. Брежнев докладидан келиб чиқувчи қоида ва хулосалар асосида Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида турган вазифалар аниқлаб берилди.

Қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтириш чинакам умумхалқ ишидир. Шу боисдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янги босқичга кўтаришга даъват этувчи партия сўзи, партия чақириғи ҳар бир совет кишисига қаратилгандир. Леонид Ильич Брежнев июль Пленумида таъкидлаганидек, «партия, касаба союзлари, комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советларининг, матбуотимиз, телевидение ва радионинг, фан ва ҳаёт тажрибаси синовидан ўтган ҳиссасини қўшиши лозим ва мумкин бўлган ҳамма кишиларнинг бу соҳада қиладиган иши кўп».

Ҳамма нарса миллионмиллион совет кишиларини замонавий вазифаларни тўғри тушунишга, уларни илҳомлантиришга, куч-ғайратларини қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш юзасидан партия белгилаган программани амалга оширишга қаратилишига бўйсундирилиши, демакки партия программа талаблари амалга оширилишига бўйсундирилиши лозим. Ана шу аснода идеологиямиз жабҳасининг барча ходимлари, шу жумладан жамиятшунос олимлар ижодий фаолияти учун ниҳоятда кенг уфқлар очилмоқда. Шу муносабат билан республикамизнинг тарихчи олимлари кейинги йилларда Ўзбекистоннинг социалистик қишлоқ хўжалиги тараққиёти тарихини, колхоз ва совхозлар қурилиши ютуқларини, колхозчи деҳқонлар, ишчилар синфининг қишлоқ хўжалиги отряди тарихи, республикада ирригация ва мелиорацияни ривожлантириш тарихи, шунингдек, социалистик пахтачилик, колхоз-совхоз қишлоқлари қиёфасидаги туб ўзгаришлар, шаҳар ҳамда ишчилар синфининг қишлоқларга оталиқ ёрдами, Ўроқ ва Болға ленинча иттифоқининг мустаҳкамланиши, қишлоқ меҳнаткашлари маданиятининг юксалиши, қишлоқ турмушидаги чуқур ўзгаришлар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мавжуд тафовутларнинг йўқолиб бориши, колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ зиёлилари ва бошқалар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳамда ижодий активликнинг бошқа формалари тараққиётини чуқур ўрганиш ва умумлаштириш юзасидан катта ишлар қилганликларини таъкидлаш ўринлидир. Чунончи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институтида бир неча йиллар мобайнида КПСС ва Совет давлати аграр сиёсатининг Ўзбекистонда амалга оширилиш проблемалари, қишлоқ хўжалигидаги социалистик ўзгаришлар тарихи бўйича илмий ишлар олиб борилди. бир қанча асарлар эълон қилинди.

Совет деҳқончилигининг шаклланиши ва тараққиёти тарихини ўрганишга катта аҳамият берган институтимиз коллективи «Ўзбекистон колхозчи деҳқонларининг тарихи» асарини яратди. Бунда республикамизда социалистик деҳқончиликнинг шаклланиш масалаларигина эмас, айни чоғда қишлоқларнинг социал-синфий структурасидаги ўзгаришлар, деҳқонларнинг маданий савияси ва техника билан қуролланганлик даражаси ўсиши, илмий-техника тараққиётининг деҳқончиликка таъсири, ҳозирги даврда колхозчи деҳқонларнинг моддий фаровонлиги ошиши ва бошқа масалалар ҳам ўз аксини топди.

Айниқса ривожланган социализм даврида партия аграр сиёсатининг амалга оширилиши, қишлоқларда рўй бераётган чуқур социал-иқтисодий ўзгаришлар муфассал ўрганишни тақозо этади. Шу муносабат билан «Ўзбекистон колхозчи-деҳқонлари ривожланган социализм даврида», «Ўзбекистон колхозчи деҳқонларининг социалистик турмуш тарзи», «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг замонавий этник жараёнлари ва турмуши» ҳамда бошқа монографиялар ҳозирланмоқда.

Аммо, социалистик хўжаликнинг, колхоз-совхоз қишлоғининг кўпгина масалалари, колхозчи-деҳқонлар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ зиёлилари, колхоз-совхоз ёшлари каҳрамонона меҳнатининг ва ҳозирги ҳаёти шонли тарихининг кўпгина қирралари чуқур тадқиқ этилиши ва адабиётларимизда ўзининг ёрқин аксини топиши лозим. Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари жамиятшунос олимларимиз олдига ривожланган социализмнинг ҳозирги босқичида КПСС ва Совет давлати аграр сиёсатининг комплекс тадқиқотларини кенг қулоч ёздириш юзасидан жиддий ва масъулиятли вазифалар қўйди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Х пленуми материаллари ана шу комплекс тадқиқотлар программасига асос бўлиб қолади. Бу ишни тарихчи ва иқтисодчилар, файласуф ва этнографлар, социолог ва ижтимоий фанлар бошқа вакилларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билангина амалга ошириш лозим. Ўзбекистон мисолидаги Совет қишлоғи социал-иқтисодий тараққиётининг комплекс проблемалари ана шу тадқиқотларнинг муҳим объекти бўлиб қолиши керак. Ривожланган социализмнинг ҳозирги босқичида қишлоқларимиздаги социал-иқтисодий тараққиётнинг комплекс проблемалари эса партия аграр сиёсатининг яратувчилик кучи: пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларида самарадорлик ва сифатнинг ўсиши; хўжаликлараро кооперацияни ривожлантириш ҳамда колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш; ирригация ва қишлоқ қурилишини, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги кадрлари, айниқса механизатор ва мутахассисларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ўсиши, уларнинг ижодий активлигини ошириш, энг аввало социалистик мусобақа ҳамда меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини ривожлантириш; ишчи ва деҳқонлар бузилмас иттифоқининг янада мустаҳкамланиши; қишлоқ зиёлилари ролининг ошиб бориши, қишлоқларда партия ва совет ташкилотлари иши, оммавий жамоат ташкилотлари фаолияти масалалари; маданий қурилиш, янги кишининг шаклланиши, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

Қишлоқ меҳнаткашларининг маданияти ва турмуши масалаларига алоҳида диққат-эътибор бериш -зарурлиги Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Х пленумида қилган докладларида алоҳида таъкидланди. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, — деб уқтириб ўтди Ўртоқ Л. И. Брежнев, — маданият билан, жуда кенг маънодаги меҳнат, турмуш маданияти, кишилар ўртасидаги муносабатлар маданияти билан қўшиб олиб бориш ҳозирги энг муҳим вазифалардан биридир». Бу проблема Ўзбекистон учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Республика Компартияси Марказий Комитетининг Х пленумида таъкидланганидек, деҳқонларга ва чорвадорларга маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатиш муттасил яхшиланиб бориши лозим. Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги қишлоқ маданият муассасалари иши даражасининг оширилишига муҳтождир...

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашлари маданияти ва турмушини янада юксалтириш проблемаларининг комплекс ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди. Уларни чуқур ва ҳар тарафлама ёритиш эса тарихчилар, социологлар, иқтисодчилар, этнографлар ҳамда ижтимоий фанларнинг бошқа соҳалари мутахассислари кучғайратлари ва ҳаракатларини мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда тарихчи олимлар, бошқа ижтимоий фан арбобларининг муҳим бурчи барча идеология кадрлари бурчи сингари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми материалларини, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидан келиб чиқувчи қонда ва хулосаларни, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Х пленуми материалларини пропаганда қилишда фаол иштирок этишдан иборатдир.

Жамиятшунос олимларнинг партия ва ҳукуматимиз қарорларини меҳнаткашларга тушунтириш, оммани бу қарорларни амалга оширишга сафарбар этиш юзасидан кенг пропаганда ишларида актив қатнашиши бўйича бой тажриба тўпланган. Ана шу тажриба КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва республика Компартияси Марказий Комитетининг кейинги пленуми материалларини шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида тарғибот қилишда ҳар тарафлама қўлланилади ва шубҳасиз, ижодий бойитилади.

Жонажон партиямизнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги катта ғамхўрлигидан илҳомланган тарихчиларимиз, ижтимоий фан арбоблари Коммунистик партия ўз олдиларига қўйган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажарадилар ва ўзларининг ижодий илҳомбахш меҳнатлари билан мамлакатимизда коммунизм қурилишининг ҳал қилувчи ва муқаррар шартларидан бири — қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтириш учун курашдек умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

М. ОХУНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институти директори, тарих фанлари доктори.

ТЕХНИКА ТАХТМИ?

Колхоз гаражининг тўридаги узун бостирма тагида сафга тизиб қўйилган терим машиналари томон юрамиз. Сифатли ремонт қилиниб ва худди заводдан ҳозиргина олиб келингандек кўк рангга бўялган 20 та «Ўзбекистон» маркали агрегатнинг ҳаммаси техника назорати комиссиясининг кўригидан ўтказилиб, ремонт сифати баҳоланган биркалар рулларига боғлаб қўйилган. Биркаларга назар ташлаган киши фақат «аъло» деган сўзнигина ўқийди.

— КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига жавобан — дейди қишлоқ хўжалик машиналари механиги Т. Ражабов, — ремонт ишларини икки сменада ташкил этдик. Ремонтчи-слесарлардан Т. Примов, Х. Бақаров, Б. Пирназаров, Р. Йўлдошев, Й. Шоназаров ўртоқлар «Ремонтни фақат аъло даражада ўтказамиз!» деган ташаббус билан чиқдилар. Бу ватанпарварлик ташаббусини ремонтчи ишчиларнинг ҳаммаси қўллаб-қувватлашди. Натижада, терим машиналари ремонти графикда белгиланган муддатда, юқори сифатли қилиб тугалланди.

Устахона ёнида механизаторлар тайёрлаш 4 ойлик курси ишлаб турибди. Мавжуд 30 та механик-ҳайдовчининг сафига яна 20 кишидан иборат янги куч қўшилса, теримни икки сменада ташкил этиш ва ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиштириб олиш имкони туғилади. Термез районидаги Жданов номли ингичка толали пахта етиштирадиган йирик хўжаликда терим мавсумига тайёргарлик ана шундай зўр уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

— Бу йил хўжалигимиз аъзолари юксак марраларни кўзлаб меҳнат қиляптилар, — дейди колхоз раиси Қурбон Ҳиллаев. — Деҳқонларимиз бу йил она-Ватан омборига кам деганда 6000 тонна ёки ўтган йилдагидан 500 тонна кўп ипак пахта тўкишга аҳд қилдилар. Етиштирилган ҳосилнинг тенг ярмини ёки 3000 тоннасини «зангори кема»лар бункеридан тўкамиз, деб сўз бердик. Шунча ингичка толали пахтани ҳанузгача областимиздаги бирор хўжалик машина билан териб олган эмас. Механизаторларимиз областда биринчи бўлиб ингичка толали пахтанинг асосий қисмини машиналар бункеридан тўкиш ташаббусини кўтариб чиқдилар. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига механизаторларимизнинг жавоби ана шундай бўлади.

Деққоннинг оғирини енгил, мушкулини осон қилаётган терим агрегатларининг ҳақиқий мададини уқиб олган Сурхондарё областидаги кўпчилик хўжаликларда терим машиналарини мавсумга ҳозирлашда яхши натижаларга эришилмоқда. Денов, Сариосиё, Гагарин ва Ленин йўли районларининг бир қатор хўжаликларида «зангори кема»ларнинг мавсумга тахт қилиб қўйилганлиги қувончли бир ҳолдир. Ана шу хўжаликларда гўза парвариши ҳам машина теримига мос қилиб ўтказилаётир.

Хўш, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундайми? Йўқ, албатта. Баъзи колхоз ва совхозларда терим мавсумига ҳозирлик ишлари «ҳали вақт бор» баҳонаси билан пайсалга солинмоқда, терим машиналари ремонти ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Терим агрегатларини ремонт қилишда Термез, Шеробод ва Қумқўрғон районлари, айниқса, орқада қолмоқда.

Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхозининг раҳбарлари халқ олдида бу йил катта сўз бердилар. Улар «етиштирилган ҳосилнинг камида 85 процентини машина бункеридан тўкамиз», — деб ҳаммани ишонтиришди. Амалда эса сўз иш билан мустаҳкамланмаяпти. Жумладан, хўжалик раҳбарлари 95 та терим машинасидан 80 таси тайёр, деб ёлғон маълумот берган эдилар. Текширишда бу сохта маълумот эканлиги аниқланди. Ремонт пала-партиш, сифатсиз ўтказилганлиги маълум бўлди. Бу ерда кўрак юладиган ва кўрак тозалайдиган машиналар, пресс подборшчиклар ремонтига ҳали қўл ҳам урилмаган.

Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхози ўтган йили машина терими планини бардош берган эди. Шунга қарамай хўжалик раҳбарлари бу аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Оқибатда хўжаликдаги мавжуд 21 та терим машинасидан бор-йўғи биттасигина аранг қўлдан чиқарилди. Бундай аҳволни областдаги бир қатор бошқа хўжаликларда ҳам учратиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, Сурхондарё областида машина теримини ўтган йилдагига нисбатан кескин равишда ошириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Ўтган йили область хўжаликларида 263 минг тонна пахта машиналарда терилиб, бу соҳадаги топшириқ салкам 110 процент бажарилганди. Область пахтачилиги тарихида биринчи марта 76 минг тонна ингичка толали пахта «пўлат этак»лардан тўкилди. Бир қатор хўжаликлар етиштирилган ҳосилнинг 70-80 процентини «зангори кема»лар бункеридан тўкдилар. Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозининг механизаторлари атиги ярим ой мобайнида 11 минг тонна пахтани машиналарда териб олдилар.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида эса пахтани машинада теришни янада кўпайтириш учун етарли имкониятлар очиляпти. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларда 2630 дан зиёд пахта териш машинаси бор. Терим мавсуми бошлангунча яна 400 та янги агрегат олиш планлаштирилган. Ўзўзидан кўриниб турибдики, областда бу йил машина терими кескин равишда оширилади, етиштирилган ҳосилнинг камида учдан икки қисми машина бункеридан тўкилиши керак.

Аммо, юқорида айтганимиздек, кўпгина хўжаликларда машина теримига ҳозирлик ишлари ўлда-жўлда. Бунинг устига ишни икки сменада ташкил этиш учун механизатор кадрлар ҳам етишмайди. Ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги пайтда ҳар 100 агрегатга 109 механизатор тўғри келади. Шунга қарамай жойларда механизатор кадрлар, механик-ҳайдовчилар тайёрлаш иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Терим мавсуми бошланганда эса механизатор кадрларнинг етишмаслиги машина теримини жадал суръатлар билан олиб боришга тўғоноқ бўлиши турган гап.

Йиғим-терим мавсумига ҳам саноқли кунлар қоляпти. Область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмоқлари, ғанимат фурсатдан унумли фойдаланиб, терим агрегатларини мавсумга тахт қилиб қўйиш чораларини зўдлик билан кўрмоқлари зарур.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

Тинчлик ва ҳамкорлик манфаатлари йўлида

САВДО-СОТИҚ ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Давлатимизнинг ташқи савдоси унинг ижтимоий ишлаб чиқаришига нисбатан жадал суръатлар билан ривожланиб бориши қонуний тус олди. Агар Совет Иттифоқининг ижтимоий маҳсулоти сўнгги етти йил ичида 50 процентга кўпайган бўлса, унинг ташқи савдо оборот ана шу давр ичида чоғиштирма нархларда 77 процентдан зиёд ўсди. Бу нарса шуни кўрсатадики, СССРнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштироки борган сари кенгаймоқда, пировард натижада ташқи савдонинг роли совет экономикасининг ривожланишида тинимсиз ўсиб бормоқда.

1977 йилда мамлакатимизнинг ташқи савдоси ҳажми шу беш йилликнинг биринчи йилига нисбатан 11,6 процентга ўсди ва 63,4 миллиард сўмни ташкил этди. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, четдан сотиб олишга нисбатан экспорт анча кўпайди.

Ҳозирги пайтда бизнинг экспортимиз индустриал характер касб этмоқда. Агар авваллари СССР четга фақат хом ашё моллари чиқарган бўлса, ҳозир у халқаро бозорга тайёр буюмлар ёки юксак даражада ишланган полуфабрикатлар етказиб бермоқда. Масалан, ўтган йили бутун совет экспортининг бешдан бир қисмини машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва турли хил рўзғор буюмлари ташкил этди. Жами ташқи савдо тушумларининг 35 процентдан кўпроғи нефть, нефть химияси маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси сотишдан олинди. Экспортнинг олтидан бир қисми (16,3 проценти)ни металлар, шу жумладан, труба ва прокат, руда ва руда концентрати эгаллади. Четдан мол сотиб олиш эса 1977 йилда 30,1 миллиард сўмга етди. Шундан 11,5 миллиард сўми машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари сотиб олишга кетди. Сотиб олинган машина ва асбоб-ускуналарнинг 60 проценти Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардан харид қилинди.

Четдан сотиб олинаётган молларнинг тахминан 40 процентини халқ истеъмоли моллари ва уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё ташкил этади. Албатта, бундай молларнинг асосий қисмини ўз мамлакатимиз ишлаб чиқаради, аммо четдан келтирилган моллар аҳоли талабларини маълум даражада яхшироқ қондириш имконини беради. Масалан, 1977 йилда совет кишилари учун чет элдан қарийб 2 миллиард сўмлик тайёр кийим-кечак ва пойафзал, 355 миллион метр турли хил газламалар, 617 минг тонна гўшт, 700 миллион донага яқин тухум, 840 минг тонна мева (шу жумладан, 355 минг тонна апельсин), бир неча юз миллион сўмлик мебель ва бошқалар сотиб олинди.

Советлар мамлакати жаҳоннинг қарийб 120 давлати билан савдо-сотиқ ишлари олиб боради. 1977 йилда унинг бутун ташқи савдо оборотининг 52,5 проценти Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, МХР, Польша, Руминия ва Чехословакия сингари қардош мамлакатлар зиммасига тўғри келди. Шу ташкилот тузилган 1949 йилдан буён СССРнинг мазкур мамлакатлар билан савдо обороти тахминан 20 марта кўпайди. Бултур эса у 15,4 процентга ўсиб, 33.246 миллион сўмга етди.

Келтирилган мисоллар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлиги янада кенгайиб бораётганлигидан, қардошларча ўзаро ёрдам, халқ хўжалик планларини координациялаш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашга асосланган социалистик иқтисодий интеграциянинг жадал суръатлар билан ривожланаётганидан далолат беради. Иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайиши эса ўз навбатида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари экономикаси жадал ўсишининг муҳим омилларидан биридир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг яқинда Бухарестда бўлиб ўтган XXXII мажлиси иштирокчилари ҳам буни зўр мамнуннят билан қайд қилиб ўтдилар.

Бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳам савдо-сотиғимиз муваффақиятли ривожланмоқда. 1976 йилга нисбатан у Вьетнам (ҳозир УИЕКга қабул қилинган) билан 36,1 процентга, Югославия билан 12,3 процентга, КХДР билан 9,3 процентга кўпайди. Хитойга келганда шуни айтиш керакки, маочи раҳбарлар энди ўз мамлакатларининг савдо-сотиқ алоқаларини Ғарбга бурмоқдалар, социалистик давлатлар билан эса иқтисодий алоқаларини борган сари камайтирмоқдалар. Масалан, бултур бизнинг Хитой билан товар айирбошлашимиз 21 процентга камайиб, 248 миллион сўмни ташкил этди.

Кескинликни юмшатиш жараёни социалистик давлатларнинг Ғарбдаги ривожланган индустриал мамлакатлар билан савдо-сотиғида анча жонланишни вужудга келтирди. Бултур бу мамлакатлар билан СССРнинг савдо оборот 18,7 миллиард сўмни ташкил этди. Совет Иттифоқи ГФР, Япония, Финляндия, Италия, Франция, Англия билан иқтисодий алоқаларда бир қанча ютуқларга эришди. Мазкур мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар соҳасида узоқ муддатли ва кенг миқёсларда ҳамкорлик қилишда жиддий бурилиш ясалди. Ғарбий Европа мамлакатлари ва Япония билан компенсация асосида йирик саноат объектлари қуриш борасида ҳамкорлик қилиш кенг йўлга қўйилди. Бултур тузилган янги компенсацион битимлар қаторига Совет — Англия савдоси тарихида энг йирик ҳисобланган метанол ишлаб чиқарадиган икки заводга ускуналар етказиб бериш тўғрисида учта инглиз фирмаси ва фосфор кислотаси заводи учун ускуналар етказиб бериш тўғрисида француз фирмаси билан тузилган битимлар киради. Айни пайтда асосий капиталистик мамлакат — АҚШ билан иқтисодий ҳамкорлигимизга шу мамлакатнинг реакцион кучлари ҳар қандай йўллар билан халақит беришга уринмоқдалар. Бунинг натижасида бултур Совет — Америка савдо обороти 1976 йилга нисбатан тахминан учдан бирга қисқарди. Соф ниятли америкаликлар Оқ уйнинг ТАСС учун мўлжалланган электрон-ҳисоблаш машиналари СССРга сотишни тақиқлагани ва пармалаш ускуналари етказиб беришни чеклагаланлигидан қаттиқ ғазабландилар.

Ривожланаётган мамлакатлар билан товар айирбошлаш 1977 йилда 8,4 миллиард сўмга етди. Бунда Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Бразилия, Сурия, Аргентина, Жазоир СССРнинг энг йирик савдо шериклари ҳисобланади.

Халқаро меҳнат тақсимотидан тушадиган фойдадан Совет Иттифоқи катта манфаат кўрмоқда. КПСС XXV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлагандек, «хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ва фурсатдан ютиш учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширош, фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш учун қўшимча имкониятларни сафарбар қилиш мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларни берадиган афзалликлардан фойдаланиш» айниқса зарурдир.

И. АРТЕМОВ,
(ТАСС).

ҲИНДИСТОН. Суратда: Деҳлидаги Раж Патх марказий магистрали.

ТАСС фотохроникаси.

Руминияга визит

БУХАРЕСТ. (ТАСС). ХКП Марказий Комитетининг Раиси, ХХР давлат кенгашининг бош министри Хуа Гофэн ва унга ҳамроҳлик қилаётган расмий кишилар РКП Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушескунинг таклифига биноан расмий визит билан 16 августда бу ерга келишди.

Аэропортда уларни Н. Чаушеску, Руминиянинг бошқа расмий кишилари кутиб олдилар.

ЭРОНДА ҒАЛАЁНЛАР

Эрон матбуотининг хабарларига кўра, мамлакатда давом этаётган ғалаёнлар кўпгина шаҳарларни ўз ичига олди. Тартибсизликлар ва ҳукуматга қарши намойишлар Техроннинг ўзида, шунингдек Ахваз, Қум, Арак, Ардабил, Кошон, Керманшох, Хуррамобод, Табриз ва Казвинда ҳам бўлди, деб ёзади «Кейхан» ва «Иттилоат» газеталари. Намойишчилар билан хавфсизлик кучлари ўртасидаги тўқнашувлар натижасида ўлганлар ва жароҳатланганлар бор. Полиция кўпдан-кўп кишиларни қамоққа олди.

Газеталарнинг ёзишича, Исфаҳонда ҳарбий ҳолат жорий этилганлигига қарамай, бу ерда кўшинлар билан намойиш қатнашчилари ўртасида тўқнашувлар яна бошланиб кетган, ҳарбий бўлинмалар ҳамон шаҳар кўчалари ва майдонларида соқчилик қилиб юрибди, комендантлик соати ҳамон амалда.

(ТАСС).

РЕПРЕССИЯ ВА БЕБОШЛИККА ҚАРШИ

Парагвайдаги аҳвол репрессия ва ўзбошимчаликнинг кучайтирилиши, кенг халқ оммаси аҳволининг янада ёмонлашуви билан характерланади.

АҚШнинг мадади билан бўлиб ўтган ҳарбий тўнтариш натижасида 1954 йилда мамлакатда ҳокимиятни Стресснер қонунга хилоф равишда ўз қўлига олгани дан кейин Парагвайда террор бошланиб кетди. Конституцион гарантиялар бекор қилинди, граждан ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилди. Парагвайликлардан бир миллиондан зиёд киши репрессиялардан қутилиш учун шу йиллар мобайнида мамлакатдан кетиб қолишди.

Стресснер яқинда «Ультима ора» газетасининг ходими билан суҳбатда уялмайнетмай «Парагвайда тинчлик ва эркинлик, тартиб ва адолат ҳукм сурмоқда» деди. Шундан сал олдин эса диктаторлик яширин охранкаси агентлари христиан-демократик партиянинг раҳбари Анибаль Рекальде Сосани қамоққа олдилар. Ў Стресснерни февраль ойида бўлиб ўтган президент «сайлови» натижаларини сохталаштиришга даҳлдорликда айблади. Найрангдан иборат ана шу сайловда аслида барча легал оппозиция партиялар қатнашишдан бош тортганлиги хабар қилинган эди.

Яширин шароитда иш қўраётган Парагвай Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми ўз манифестида таъкидлаб ўтганидек, Парагвайда ялпи қамоққа олишлар, қийноқлар, қотилликлар ва реакция режими мухолифларининг «йўқолиб кетиши» 24 йилдан буён тўхтамаяпти. Стресснер қийноқхоналарига ташланган ПКП Марказий Комитетининг секретари М. Анхель Солернинг, коммунистик ёшлар федерацияси секретари Д. Вильяграннинг ва бир қанча таниқли касаба союз арбобларининг тақдири тўғрисида ҳозиргача ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

ПКП мамлакатнинг тараққийпарвар ва ватанпарвар кишиларини манфур режимни ағдариб ташлаш учун кураш олиб бориш мақсадида диктаторликка қарши кенг фронтга бирлашишга даъват этмоқда (ТАСС).

ҲАҚЛИ ХАВОТИРЛИК

Пекинда Япония билан Хитой ўртасида «Тинчлик ва дўстлик тўғрисида шартнома» имзоланганлиги жаҳон жамоатчилигининг кенг доираларини ташвишга солди. Кўпгина мамлакатларнинг матбуоти шу воқеани шарҳлаб, Пекиндаги спектаклнинг режиссёрлари Вашингтонда эканлигини таъкидламоқда.

СОФИЯ. (ТАСС). Япония — Хитой шартномаси имзоланганлиги хусусида бирдан-бир ижобий фикр фақат АҚШ томонидан билдирилганлиги характерлидир, деб ёзади Болгариядаги «Работническо дело» газетаси. АҚШ Япония билан Хитой ўртасида Советларга қарши асосда мустаҳкам яқинлашувга умид боғлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу яқинлашув АҚШнинг дунёнинг шу районидаги манфаатларига батамом мос бўлиб тушади. Бу манфаатлар эса Вашингтон — Пекин — Токиодан иборат ҳарбий сиёсий учбурчак тузишдек калтабин сиёсатга таянади.

ПАРИЖ (ТАСС). «Юманите» газетаси шартномага киритилган хатарли концепсиялардан хавотирлик изҳор этиб, бу шартнома «ҳал этадиган проблемалардан анча кўп проблемаларни келтириб чиқариши ғалати» эканлигини таъкидлайди. Газетанинг фикрича, шартнома Осиёда ва бутун дунёда стабиллик ҳамда тинчликни мустаҳкамлашга мутлақо кўмак бермайди. АҚШ шу битиннинг тузилишидан бевосита манфаатдор эди, шу сабабли у Японияга таъсирли ҳарбий ва иқтисодий тазйиқ ўтказишнинг ҳамма воситаларини ишга солди, деб таъкидлайди газета. «Юманите» Пекиннинг қўшни Вьетнам Социалистик Республикасига нисбатан қилаётган ирғоғарликлари мисолида унинг буюк давлатчилик сиёсатини фош қилади.

ТОКИО. (ТАСС). «Дейли Иомиури» газетаси бундай деб ёзади: ҳозирги вақтда Хитойнинг Японияга нисбатан тутаётган сиёсатига Совет Иттифоқига қарши қаратилган стратегик мулоҳаза, шунингдек Хитой раҳбарларининг «тўғри модернизация» деб аталган программани рўёбга чиқариш учун Япониядан тезроқ иқтисодий ёрдам ундириб қолишга интилиши асос қилиб олинган. Қуролли кучларни модернизация қилиш ана шу программанинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

телетайп лентасидан

⊙ **БУДАПЕШТ. «Венгрияда тайёрланган» деган тамга босилган пойафзал қардош социалистик мамлакатларда ғоят машҳур бўлмоқда. ВХРда энг йирик «Тиса» пойафзал заводининг коллективи шу йилнинг биринчи ярмидагина буюртмачиларга 1 миллион жуфтдан кўпроқ замонавий моделдаги оёқ кийим ва спорт пойафзали жўнатди. Совет Иттифоқи бу заводдан энг кўп пойафзал сотиб олмоқда. Шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида «Тиса» заводида тайёрланган қарийб 900 минг жуфт пойафзал Совет Иттифоқи магазинларига етказиб берилди.**

⊙ **ПАРИЖ. Лион меҳнаткашлари қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг ҳалок бўлган ва фашистлар қийноғини бошидан кечирган қатнашчилари хотирасини эслашмоқдалар. Шу кунларда шаҳарда фашизмга қарши курашган кишиларга атаб тантакали равишда ёдгорлик лавҳалари очилди. Бу курашчиларнинг кўплари коммунист эди. Франция Компартияси Рона департаменти федерациясининг вакили Б. Жирандон ана шундай маросимлардан бирида нутқ сўзлаб, бундай деди: французлар ҳозирги авлодининг миллий мустақиллик учун, тинчлик ва нацизмни таг-томири билан тугатиш учун изчиллик билан доимо кураш олиб бориши Франция озодлиги учун жонини фидо қилган ватанпарварлар хотирасини энг яхши эъзозлашдир.**

⊙ **НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда бўлиб ўтган митинг қатнашчилари Америка ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, «уилмингтонликлардан» бири — Жо Райт Шимолий Каролина штати турмаларидаги ғоят даҳшатли шароитлар тўғрисида гапирди берди. Руҳоний Бенжамин Чейвис бошлиқ негр халқининг гражданлик ҳуқуқлари учун курашчилар группаси шу штатдаги турмада азоб чекмоқда.**

⊙ **ЛУСАКА. Смитнинг ирқчи режими яна бир қонли жиноят қилди. Солсбериданолинган хабарларга қараганда, Родезия полицияси Мангула мис конидаги иш ташлаган африкалик ишчиларга қарата ўт очган. Бу ишчилар меҳнат шароитининг ғоят оғирлигига ва оқ танли хўжайинларнинг уларни қаттиқ эксплуатация қилишига қарши норозилик билдириб, стачка эълон қилган эдилар Полициячиларнинг жазолаши натижасида 4 киши ўлди, 5 киши жароҳатланди.**

(ТАСС).

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Август ўйлари

Йилнинг авж нуқтаси, аё Августим,
Балоғат мезони, фасли баркамол,
Узат ҳароратли қўлингни, дўстим,
Эвазига менинг ўтли қалбим ол.

Ажиб жилваларинг, райҳон исларинг,
Шакар лабларинг бор, кўксинг тўла — ёз,
Энг олий туйғулар, оташ ҳислларинг
Етук достонисан кўркам ва мумтоз!

Сен мени ўйларга чўлғадинг яна,
Тенгсиз мўъжизалар силсиласидай,
Боғларда тўкинлик қурмиш тантана,
Пахта чиқаётир Ер сийнасидан.

Бу-ку ҳар йилда ҳам бўлади такрор,
Ҳар йил шу ҳодиса қайтар аслида.
Баракат уруғин қадаса баҳор,
Ҳосил етилади Август фаслида.

Ва лекин бошқа ҳис ҳоким юракда,
Қуёш ҳовуридан тўлқинланиб қон —
Бошқа бир туйғулар жўшар истакда,
Тафаккурга ундар Август-қадрдон.

Инсоннинг умрга ахтарсанг қиёс,
Йилнинг тўрт бўлаги келгайдир ёдга.
Виждонинг олдида жавоб бер рўй-рост,
Қандай ҳосил билан келдинг муродга!

Умрнинг навбаҳори чоғи экилган
Ниҳоллар мевага кирдими бугун!
Недир у бемаврид ерга эгилган,
Атиргул ўрнида эмасми юлғун!

Ишкомда нима гап, не гап полизда,
Нечукдир адирда хирмоннинг чўғи!
Сурувнинг аҳволи нечук олисда,
Жавоб бер, заминнинг меҳнаткаш ўғли!

Китобми, шаҳарми — не этдинг бунёд,
Сен қазган ариқдан баҳра олди ким!
Қайси бир юмушинг эл қалбида ёд,
Очолдингми севги тоғида тилсим!

Довонга етганда йўлчи ногаҳон,
Босилган изига солгандай нигоҳ,
Одам ўз-ўзини этар имтиҳон,
Август камолидан топиб иштибоҳ.

Бунда иш беролмас ҳеч бир тасалли
Биргина юпанч бу — ғайрат ва шитоб...
Қуёш қозонида етмиш масаллиг,
Яқиндир ҳосилни этмоқ сарҳисоб.

Денгизлар

Табиатда қандоқ ноз-неъматки бор,
Қандайин гўзаллик, ёруғлик мавжуд —
Бари Ўзбекистон ичра барқарор,
Ранго-ранг, мўлу кўл, ҳатто беҳудуд.

Боғ десанг, боғ мана,
Тоғ десанг тоғи,
Дарёю сойлари оламга машҳур,
Бу — ўрмон, бу — пахта,
Бу — сут булоғи,
Адирда буғдойи — хирмон-хирмон дур.

Фасллар жилоси,
Чаманлар атри,
Қушлар навосидан тўқилган сеҳр...
Бундадир дўстликнинг оташин сатри.
Ҳақиқий оқибат,
Ҳақиқий меҳр.

Ватаннинг бепоён, кенг бағри аро
Барча қардош ила йўлдош, елкадош —
Тобора юксалар диёрим, зеро,
Меҳнаткаш халқимнинг қалбида қуёш!

Нимаки истасанг топилур, ахир,
Тусма-тус, хилма-хил
Ва эгиз-эгиз...
Фақат бир нарсадан қисмишди тақдир —
Битмай пешонага бир мовий денгиз.

Бу — менинг дилдаги армоним эрди,
Даврим ечиб берди бу чигални ҳам.
Энди Ўзбекистон денгизлар юрти,
Эилол мавжларидан абадий кўклам.

Андижондан тортиб то Толлимаржон,
Бир ён Туямўйин, бир ёни — Чорвоқ...
Ўнлаб денгизларим уради жавлон,
Бағрида чағалай ўйинига боқ!

Тақдир хатосига кирдию таҳрир,
Тақир заминларга бахмал тўшалди.
Нечун бу шарафни куйламай, ахир,
Минг йиллар орзуси буткул ушалди.

Бахтнинг маъноси

Туғилган чоғидан токи сўнгги дам,
Умр сўқмоғидан бораркан толиб,
Ҳаётда нимадир излайди одам,
Гоҳо мағлуб эса, гоҳида ғолиб.
Даврон шамоллари сийпаб юзини,
Гирдобларга кўрак кериб мардона,
Инсон қидиради доим ўзини,
Ўзлигин топмоқдир мақсад ягона.
О, кўпдир бу йўлнинг жарлик, қояси,
Имтиҳон этажак тонг йўллари бор.
Бу йўлнинг ҳар битта пиллапояси
Юксалиш довони аталмиш рўзгор.
Кичик эҳтиросларг,
Майда ҳаваслар
Олий ниятларни тўсса ногаҳон,
Муҳаббат оғуши
Ва сирли саслар
Қаршингда кўрсатса ҳавойи жаҳон,
Эй, одам, бир нафас ўзни қўлга ол,
Қарагил оламнинг ўнгу сўлига.
Ҳаётнинг тафаккур мезонига сол,
Ўзингни топширма тақдир қўлига.
Қалбню ақлини заррама-зарра
Ўзгалар бахтига улашолса ким,
Хушбахтдир ҳаётда ўшал минг карра.
Бахтнинг маъноси ҳам шу эрур, балким.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

МЕҲНАТ АҲЛИ, СИЗЛАР УЧУН

ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ ОРТАДИ

Тошкент область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитети қишлоқда умумий овқатланиш ишларини янада яхшилаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. «Оққўрғон» ва «Далварзин-1» совхозларидаги мавжуд ошхоналарни реконструкция қилиш туфайли улардаги умумий ўринлар сони юзтага ортди. «Бўна» ва 6-совхозларда парҳезли таомлар тайёрлаш ушуштирилди. Ҳозир қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун хизмат марказларини дала шийпонларига кўчириш учун қизғин тайёргарлик кўриляпти. Идиш-товоқлар, холодильниклар, далага овқат ташувчи машиналар сингари барча технологик ускуналар тахт қилиб қўйилди.

КАТТА ЭЪТИБОР

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида меҳнаткашлар учун қулай дам олиш шароитлари яратилган. Ёзги ва қишки спорт комплекслари, ўн минг ўринли стадион нефтчилар хизматида. «Нефтчи» спорт клубида футбол, баскетбол, шахмат-шашка сингари 18 та секция ишлаб турибди.

Маданий-оқартув ишларининг асосий маркази — Саноат саройида ишчилар синфига бағишланган қизиқарли кечалар, турли хил лекциялар ташкил этиляпти.

Корхона касаба союз комитети меҳнаткашларнинг ёзги дам олишига ҳам катта эътибор бермоқда. Каркидон сув омборининг серманзара қирғоқларида дам олиш уйлари, пионер лагерлари ишлаб турибди.

ТЕКИН ПУТЁВКАЛАР

Урта Осиё темир йўл бошқармаси касаба союз комитети ишлаб чиқариш илғорлари ва социалистик мусобақа ғолибларига ёзги дам олишлари учун кўплаб текин путевкалар ажратди. Яқинда бошқарма пешқадамларидан бир группаси Пицундага дам олишга, бошқа бир группаси эса Белоруссия ҳамда Болтиқ бўйи республикалари бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

1. Ростов области ғаллакорлари «Юқори суръат — аъло сифат» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. «Гашунский» давлат наслчилик заводи ғаллазорларида комбайнчилардан И. Шевченко ибрат кўрсатмоқда. Суратда: И. Шевченко ўғли Юра ва қизи Наташа билан бирга.



2. Украина далаларида ўриб-йиғиб олинган ғалла омборларга сув транспорти ёрдамида ташилмоқда. Суратда: «Анатолий Железняков» кемасининг капитани ёрдамчиси В. Литовченко.



3. Қозоғистоннинг «Ленинский» совхозида қимматли хлорелла озуқаси саноат йўли билан ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда кунига 100 тонналаб тўйимли озуқа фермаларга жўнатилиб турилибди. Суратда: хлорелла тайёрлаш цехида.
ТАСС фотохроникаси.

АСАЛ ҚОВУН... КАСАЛ ҚОВУН...

«Совет Ўзбекистони» рейди

Сирасини айтганда ёз яхши-ю, аммо ёз пишиқчилиги ундан ҳам яхши. Шираси чақиллаб турган ранго-ранг шафтолиларни, ғиж-ғиж асал тўла нашвати-ю олмаларни, ҳар боши бир сават анвойи узумларни айтмайсизми? Тилими тилингизни минг тилим қиладиган қовуну тарвузларчи?..

— Кеб қолинг, қовуннинг асали бизда!

Эшитяпсизми, бу — йил-ўн икки ой меҳнат қилиб етиштирган ҳосилини шаҳарликлар дастурхонига қўйгани келган деҳқоннинг овози, қўлини кўксига қўйиб, «Қани марҳамат, ўзи сув текин, қовун эмас, асал ейсиз», деб харидор чорлагани. Шундай эмасми?

Аммо шаҳарлик харидор ҳам анойи эмас, унақа-бунақа мактов гапларга учавермайдиган бўлиб кетган. У уйиб ташланган хирмон-хирмон қовунларнинг атрофини айланиб юриб, бу мактов гапларни обдон эшитиб бўлади-да:

— Ростини айтинг, қовунингиз чиндан ҳам асалми ё қорин оғритадиган касалми? Дори аралашмаганми? Анализи қанақа? — деб сўрайди.

Бунақа муомала деҳқон кўнглига жуда-жуда оғир botса ҳам у дамини ичига ютиб, дарҳол «Ҳа аковси, справкам бор, мана, анализи ҳам дуруст», деб жавоб беришга кўникиб қолган. У гапининг исботи учун шу заҳоти чўнтагидан қовунининг лабораториядан чиққан текшириш ҳужжатини олиб кўрсатади, ишқилиб, харидор хушнуд бўлсин дейди.

— Э, ука, баъзи деҳқоннусха одамларнинг касрига шундай бўляпти. Бирники мингга, мингники туманга дегандек, ўшаларнинг қилмишига шаҳарликлар қовун деса бир қорин ушлайдиган бўлиб қолишган,— дейди куйиб-ёниб Олой бозорида ширин-шакар тарвузларини сотолмаи ўтирган пискентлик полизчи Муҳсинали Ҳакимжонов. — Шунақа бўлгандан кейин молини бозорга келтириб, хирмон қилиб уйган деҳқон ҳаридорнинг яхши гапига ҳам. ёмон гапига ҳам сеники маъқул, дейишдан нарига ўтмайди-да.

Ҳозир Тошкент шаҳрида мева-чева сотиладиган қандай бозор бўлса, уларнинг ҳаммасида ҳам қовун ва тарвузлар устида «Лаборатория анализидан ўтган, сотишга рухсат берилади» ёки «Ҳали анализ қилинмади, сотишман этилади» деган ёзувли тахтачаларни кўриш мумкин.

— Сотиш учун бозорга олиб келинган ҳамма қовун ва тарвузларни синчиклаб текшириб, таркибидаги азот нитрати миқдорини аниқлаяпмиз. Шу мақсадда шаҳардаги бозорларда химия лабораториялари ташкил қилинган, кўпдан-кўп санитария врачлари шу ишга ажратилган, — дейди Тошкент шаҳрининг бош давлат санитария врачи Одил Мўминов.

Аслини олганда ўтган йили республика Министрлар Совети меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилишни кўзлаб полиз маҳсулотларини етиштириш сифатини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилган, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳам шу асосда анчагина ибратли тадбирларни белгилаб чиққан эди. Бу қарор асосида анча ишлар қилинди. Қовун-тарвузлар сифати яхшиланди.

Аммо бу соҳада қилинаётган ишлар ҳали етарли эмас. Баъзи хўжаликлардан келган қовунларни олишга харидор безиллайди.

— Ишонмасангиз ҳув анави ёққа бир қаранг, кейин биласиз.

Карадик. Гўртта оқ халатли киши бир хирмон тарвузни юк машинасига зўр бериб ортмоқда эди. Енларида кўзлари жовдираган тарвуз эгаси уларга ялиниб-ёлворарди:

— Жон акажонлар, бу галча кечиринглар, тарвузга энди кўп селитра солсам қўлим синсин, илтимос...

— Қилғиликни қилиб қўйиб, энди ялинаяпти-я, ноинсоф, — Киров район санитария врачи Каримжон Толиббоев жиғибийрон бўлиб қучоққа сиғмайдиган тарвузларни машинага улоқтираркан бояги кишини койирди. — Икки ярим тонна тарвузнинг ичи ғиж-ғиж ўғит бўлиб кетибди. Далага олиб чиқиб селитра ўрнига солса ҳам бўлаверади. Нитрати нормадагидан уч баравар кўп. Айтингчи, буни еган одам нима бўлишини ҳеч ўйлайсизми?

Қуйинчи, Чиноздаги 4-наслчилик совхозининг ишчиси Мўмин Қодиров ўйламай-нетмай қоп-қоп селитрани пушталарга ағдарганига шу куни минг пушаймонлар қилиб бозордан чиқиб кетди. Мирзачўл районидаги «Тошкент» совхозининг ишчиси Шодиёр Одилов ҳам икки ярим тонна қовунини мақтаб-мақтаб ўтирган эди, санитария врачлари олиб келган лаборатория анализларини кўриб дами ичига тушиб кетди. Қовундаги нитрат миқдори нормадаги 30 ўрнига 84 миллиграммдан ҳам ошиб кетган экан. Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан Абдусамад Бойчаев, Абдухолил Абдувалиев, Маҳмуд Мадалиев учовлон ўзаро бамаслаҳат қовун ва тарвузларини селитра билан хўп семиртиришган экан, ҳар бири нақ бир қучоқ дейсиз. Сотиб пул қиламиз деб ўтирганларида уларнинг ҳам патталари қўлига топширилиб «Олой» бозоридан чиқариб юборилди.

—Булар-ку бир райондан чиққан уч-тўрт деҳқоннусха одамлар. Янгийўл, Оққўрғон, Чиноз районидагиларни айтмайсизми? Тошкент областида биздан ўтадиган полизчилар топилмайди, деб керилиб юришарди. Аслида уларни полизчи эмас, селитрачи деса бўларкан. Ўтган бир ярим ойнинг ўзида дориси кўп чиққан қовун ва тарвузларнинг аксарияти шу районлардан келтирилган.

«Октябрь» колхоз бозорининг директори Толиб Орифжоновнинг бу гапларида жон бор эди. Хўш, нега шундай бўляпти? Тошкент бозорларига асалдек ширин тарвуз ва қовунлар билан бирга, «усти ялтироғу ичи қалтирок», бемаза, шўр қовунларни сотиш учун олиб келинаётганига кимлар сабабчи бўляпти?

— Қишлоқ район санитария ташкилотлари етиштирилган қовун ва тарвузларни полизнинг ўзида лаборатория текширишидан ўтказишлари зарур эди. Бу ишни бажаришмаяпти. — Тошкент шаҳрининг бош давлат санитария врачи Одил Мўминов тушунтириш берди. — Мана далилим. Тошкентга сотиш учун қовун келтирган 2291 кишидан фақат тўрттасининггина қўлида анализ справкаси борлигиёқ, қишлоқда ишнинг қандай аҳволда эканлигини кўрсатиб турибди. Сирасини айтганда уларнинг масъулиятсизлиги шаҳар санитария врачлари зиммасига жуда оғир юк бўлиб тушяпти. Лабораторияларимиз келтирилган қовун ва тарвузларни анализ қилиб улгураётгани йўқ.

Энди Бўка районидаги ширин-шакар қовун ва тарвузлар етиштиришга мутасадди бўлган ташкилотлар мутахассисларидан эшитинг:

— Бизда аҳвол унчалик ёмон эмас. Бошқармамиз агрономлари колхоз ва совхозларнинг полизига селитрани яқин йўлатаётгани йўқ. Ҳамма айб дорини пушталарга қоплаб солаётган шахсий хўжаликларда.

Хўш улар минерал ўғитни қаердан олишяпти. Нега хўжалик раҳбарлари буни суриштиришмайди?

Бўка район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи В. Цойнинг бу гапларини район санитария эпидемиология станциясининг бўлим мудири Баҳриддин Эргашев ҳам маъқуллади.

— Ҳа, биз ҳеч айбдор эмасмиз, — деди у. — Врачларимиз сира канда қилмай, колхоз ва совхозларнинг полизидаги ҳосилни анализ қилишяпти. Шахсий хўжаликлар эса қовун ва тарвузларни текшириш учун олиб келишмаётган экан, демак ҳамма айб ўшаларнинг ўзида.

Бундай аҳвол Тошкент областининг деярли ҳамма районларида рўй бермоқда. Аслида уруғ ерга тушган кунданоқ, кимники бўлишидан қатъий назар ҳамма полизларда фақат ширин-шакар қовун ва тарвузлар етиштиришни назорат қилиб бориш вазифаси топширилган мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари йил бўйи «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш тутиб, энди жавоб бериш навбати келганида ўзларига ғард ҳам юктиргилари келмай ўтиришибди. Қовун деса кўзига дастадаста пул кўринадиган баъзи нопок «деҳқон»ларга эса упарнинг масъулиятсизлиги жуда қўл келяпти. Улар вақтдан фойдаланиб, колхоз ва совхозларнинг омборидан ўмарилган, пахтага деб олиб келинган тонна-тонна селитра билан қовун ва тарвузларини семиртириб олишяпти.

— Кеб қолинг, қовун-тарвузнинг асали бизда!

Эшитяпсизми, деҳқон харидор чорлаяпти. Харидор эса анойи эмас, қовун олишдан аввал ундан албатта справка сўрайди:

— Доктор берган қоғозни кўрсатингчи, кейин оламан.

Қанийди районлардаги мутасадди ташкилотлар ҳам полизчиларга ана шундай талабчан бўлишса...

Р. ТУРСУНОВ,
М. МУҲСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ФЕСТИВАЛЬ МУКОФОТЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган СССР халқлари драматургияси ва театр санъати Бутуниттифоқ фестивалининг якунлари чиқарилди. Фестивалда Ўзбекистондан 22 ижодкор коллектив қатнашиб, иттифоқдош ва автоном республикалар драматургларининг пьесалари асосида 24 спектаклни саҳналаштирди. Шу спектакларнинг кўплари фестивалнинг дипломлари ва совринлари билан мукофотланди.

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри Б. Васильевнинг «Рўйхатларда йўқ» спектакли учун, ўзбек давлат «Еш гвардия» драма театри М. Байжиевнинг «Келин-қуёв» пьесаси асосида қўйилган спектакль учун, Андижон шаҳар «Лола» қўғирчоқ театри Н. Каробзин пьесаси асосида яратган «Керпакбой» спектакли учун лауреат номини олди. Оғаҳий номли Хоразм музикали драма ва комедия театри Ю. Марцинкявичус драмаси асосида саҳналаштирган «Миндаугас» спектакли учун, Навоий номли Наманган музикали драма ва комедия театри И. Друценинг «Каса-Маре» пьесаси бўйича қўйилган спектакль учун, Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли Қашқадарё музикали драма ва комедия театри М. Шатров пьесаси асосида қўйилган «Революция номи билан» спектакли учун фестивалнинг дипломлари билан тақдирландилар.

Фестиваль лауреатлари орасида наманганлик артистлар Т. Мамедова ва Р. Ҳамроқулов, И. Друценинг «Каса-Маре» пьесасини ўзбек тилига таржима қилган адиб В. Рўзиматов бор. **(ЎзТАГ).**

ИККИНЧИ УМР

Бухорода тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш, обидалар атрофини кўкламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили Бухоро таъмирчилари 920 минг сўмлик иш бажаришди. Деворбек мадрасаси ва хонақоси, Фатхуллахон, Аёзбек, Аҳмаджон карвонсаройлари, Атторлар, Моғоки зардуштийлар масжиди каби тарихий обидаларни, Тошмачит, Лабиҳовуз ансамбларини таъмирлаб, қайта умр бағишлашди.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
18 АВГУСТДА

ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ПРОГРАММА
«ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИ — ДЎСТЛАР ДУНЕСИ»
АТТРАКЦИОНИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ИСПАН КОРРИДАСИ, УРГАТИЛГАН ҚУТОС ВА ОВЧАРКАЛАРНИНГ ЧИҚИШИ, АЙИҚПОЛВОНЛАРНИНГ ЁҒОЧ ОЕКДА ЮРИШИ.

Раҳбар — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Виталий ТИХОНОВ.

БУТУНИТТИФОҚ ЦИРК ВА КИНО АРТИСТЛАРИ КУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ ИШТИРОКИДА

«КАВКАЗ МАНЗАРАСИ»

Шимолий Осетия АССР халқ артисти Хасанбек КАНТЕМИРОВ постановкаси.

«ҲАЗИЛНИ ҚУЙ» МАСХАРАБОЗЛАР ГРУППАСИНИНГ ЧИҚИШИ

Томошалар соат 19.30 да бошланади.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да томошалар кўрсатилади.
КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Корхона, ташкилот, ўқув юрти, болалар муассасаси, колхозлар ва совхозларга бориб билет сотиб хизмат кўрсатиш кассирлар томонидан бажарилади.
Буюртмалар қуйидаги телефонлар бўйича қабул қилинади 44-35-84, 44-35-91.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТР САНОАТИ УЧУН МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРУВЧИ ПОЙТАХТДА ЯГОНА
34-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича 1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Пресс форма штамплар ва мосламалар тайёрловчи ва ремонт қилувчи слесарь-асбобсоз, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, саноат электр асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва уларни ремонт қилувчи электромонтёр, универсал токарь, никиламчи коммутация занжирларини монтаж қилувчи электр монтажчи, интеграл микросхемаларни йиғувчи, ярим ўтказгич асбобларни йиғувчи, электр машиналари ва аппаратларини йиғувчи, чизмакаш-конструктор.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — мутахассислиққа қараб, бир йилдан 3 йилгача.

8-синф маълумоти билан қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кунда қийиладиган ва кўчалик уст-бош билан таъминланадилар. 10-синф маълумоти билан қабул қилинганлар эса, 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг маълум қисмини оладилар.

ДИҚҚАТ! СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАН ЕШЛАР! Сизлар учун ўқиш муддати қисқартирилади ва 72 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар билим юртида жойлашган мактабда ўз ўқишларини давом эттирадилар. Хоҳловчилар ўқишни «Электроаппарат» корхонаси базасидаги электротехника техникуми филиалида таҳсил кўриш билан бирга қўшиб олиб боришлари мумкин.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қирадилар.

Билим юртида вокал-чолғу ансамбли, хор, драма, фото тўгарак, техника ижоди тўгараги, ҳаваскорлик киностудияси, спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, тугилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), автобиография, иш жойи ёки мактабдан характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, яшаб турган жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), олтита фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700105, Тошкент-105, Ленин райони, Манжара кўчаси, 137-уй (22, 55-автобусларнинг «Электротехника заводи, 5-трамвай, 7, 12, 26, 37, 52, 68, 22, 55-автобусларнинг «Қорасув» бекати).

✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ

«ШАШКА ЮЛДУЗЛАРИ-78»

СЎНГГИ УЧРАШУВЛАР

Аёллар ўртасида «Правда Востока» газетаси соврини учун ўтказилаётган халқаро турнир баҳслари яна икки тур учрашувларидан кейин поёнига етади. Марра яқинлашган сари ғолиблар мавқеларини мустаҳкамлашга, омади юришмаганлар қимматли очколар олишга интилмоқдалар. Ўн иккинчи тур ўйинлари Тошкент областининг «Правда» колхози маданият саройида ўтказилди. Қишлоқ мухлислари даврасида расмий учрашувлар қатори колхоз правлениеси таъсис этган «Энг тезкор ғалаба» соврини учун ўзига хос мусобақа ўтказилди. Совриндор бўлиш мамлакат собиқ чемпиони москвалик Л. Агафоновага насиб қилди.

Колхозда ўтказилган ўйинларда халқаро турнир пешқадамлари ўз мавқеларини яна да мустаҳкамлашди. Вильнюслик Р. Виткаускайте, москвалик Е. Михайловская, ленинградлик Г. Кузнецовалар ўз ҳисобларига биттадан очко ёзишди. Ун учинчи тур учрашувлари ҳам ғалабаларга бойлиги билан диққатга сазовор бўлди. Бу ўйинларда биргина дуранг ҳисоби қайд қилинди. Қолган учрашувлар кескин ва шиддатли ўтди. Турнир ғолиблари яна муваффақият қозониб, бошқалардан анча илгарилаб олишди. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Озода Аҳмедова Б. Марковска билан ўйинда ғалабага эришиб, очколарни бойитиб олди. Шундай қилиб, Халқаро турнирнинг Якунловчи учрашувлари олдидан Р. Виткаускайте 10,5, Г. Кузнецова билан Е. Михайловскаялар 10 тадан очко билан олдинда боришмоқда. О. Аҳмедова ҳисобидаги очколар 8 тага етди.

Б. КУЗНЕЦОВ,
мусобақа бош судьяси ўринбосари.

СТАРТЛАР ВА МАРРАЛАР

● **СУВ ТУПИ.** Тошкентдаги тўқимачилар сув бассейнида Узбекистон кубоги учун мусобақа бошланди. Дастлабки кун учрашувларида «Меҳнат» командаси спартанчилардан устун (13:0) келган бўлса, «Локомотив» ватерполчилари «Меҳнат резервлари» вакилларини 8:7 ҳисобида ютишди.

● **ШАХМАТ.** Жаҳон чемпиони А. Карпов билан тож даъвогари В. Корчной ўртасидаги ўн иккинчи партия томонларнинг битимга келишуви билан ниҳояланди. Бугун эса Қора денгиз бўйидаги оромгоҳ шаҳар Пицундада аёллар ўртасида шахмат тожи учун кураш бошланади. Беш марта жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили билан тож даъвогари ўн етти ёшли Майя Чибурданидзе ўзаро ўн олти партияда дона суришади.

Шоҳаммат Шоаҳмедович ШОМУҲИДДИНОВ

Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг ўринбосари Шоҳаммат Шоаҳмедович Шомуҳиддинов оғир касалликдан сўнг 1978 йил 16 августда 55 ёшида вафот этди.

Ш. Ш. Шомуҳиддинов 1924 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, 1942 йили Совет Армияси сафига чақирилди. Улуғ Ватан урушида фаол иштирок этди.

У 1946—1947 йилларда Тошкентдаги кенг истеъмол металл буюмлари заводида ишлади. Москвадаги енгил саноат технологияси институтини битиргач, 1952 йилдан 1963 йилгача Самарқанддаги ва Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаларида цех бошлиги, директорлик қилди.

1963 йили у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг партия-давлат контроли комитети бўлим мудирлигига кўтарилди. 1967 йилдан бошлаб эса Тошкент область халқ контроли комитети раиси лавозимида ишлай бошлади.

Ш. Ш. Шомуҳиддинов 1971 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирлигига тасдиқланди. 1973 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг ўринбосари бўлиб ишлади. У Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссияси аъзолигига, Ўзбекистон КП Фрунзе район комитети, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар ва область комитетлари бюро аъзолигига сайланган эди.

У Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, халқ депутатлари Тошкент область ва шаҳар Советлари депутатлигига сайланган эди.

Ш. Ш. Шомуҳиддиновнинг хизматлари Коммунистик партия ва Совет давлати томонидан юксак тақдирланди. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилган эди.

Ш. Ш Шомуҳиддинов қайси лавозимда ишламасин, ҳамма жойда принципиаллик, ҳалоллик кўрсатди, ўзининг бутун куч ва ғайратини топширилган вазифаларни бажаришга сарфлади.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ҳормас-толмас меҳнаткаш ва ажойиб камтар инсон бўлган Шоҳаммат Шоаҳмедович Шомуҳиддиновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор
М. КОРИЕВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Мультфильм. 10.25 — Рус шоирларининг шеърлари. 11.00 — «Ёшлик», (кўп серияли телевизион спектакль, 2-қисм). 12.10 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Шахмат мактаби. 16.20 — «Москва ва москваликлар». 16.50 —Фильм-концерт. 17.15 — «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». 18.00 — Жасорат. 18.30 Янгиликлар. 18.45 — Киножурнал. 18.55 — Депутатлик ишлари. 19.25 — Ҳиндистон санъати. 19.55 — «Ёшлик» (кўп серияли телевизион спектакль, 3-қисм). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Панорама. 23.30 — «Чет эл эстрадасининг қўйлари». 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — «Қувноқлар даврасида». 11.30 — Болалар учун. «Биз қизиқувчиларимиз» (телевизион спектакль). 12.15 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.45 — Халқ ижоди. 18.00 — Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.15 — Илмий-оммабоп программа. 18.45 — «Ёшлик». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Фильм-концерт. 19.50 — «Ижод саҳифалари» Миртемир. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Дирижёр ҳикоя қилади. 21.30 — Москва. «Вақт». 22.00 — Нознеъмат бунёдкори. 22.15 — «Дурангсиз ўйин» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Мўмай пуллар» (телевизион спектакль, 2-қисм). 19.55 — Янгиликлар. 20.15 — Телепрограмма. 20.45 — Кўча харакати хавфсизлиги. 21.05 — Фильм-концерт.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек классик қўшиқлари. 9.30 — «Зарафшон тароналари». 11.15 — «Яхши кайфият хизмати». 11.30 — «Самарқанд афсонаси» балетидан саҳналар. 12.00 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга! 13.30 — Иттифоқдош республикалар эстрадаси. 14.00 — «Бригада теримга шайланмоқда». 16.10 — «Анор» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.30 — «Совет турмуш тарзи». 18.45 — «Юность Узбекистана». 19.40 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 19.50 — Шодлик қўшиқлари. 20.40 — Москва. «Халқаро аҳвол: саволлар ва жавоблар». 21.25 — «Қишлоқ оқшомлари». 22.28 — «Кўзлари чўпон» (радиопостановка).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/VIII да **Оламнинг яратилиши**, 19/VIII да **Пиковая дама**, 20/VIII да **Севги ҳақида қисса.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали драма театри биносида) — 18/VIII **Келинлар кўзголони**, 19/VIII да **Уйланиш**, 20/VIII да **Келинлар кўзголони.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Ҳайвонот дунёси — дўстлар дунёси» аттракционининг томошалари.**

ХИВА ШАҲРИДАГИ ТУРИСТИК КОМПЛЕКС БИНОСИДА
(«Караван-Сарай»)

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ ЯРМАРКАСИ УТКАЗИЛАДИ

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИДАГИ ОРТИҚЧА МОЛЛАР САВДОСИ БЎЙИЧА

Ярмаркага Узбекистон ССР ва иттифоқдош республикаларнинг ҳамма система ва идораларга қарашли савдо ташкилотлари ҳамда саноат корхоналарининг вакиллари таклиф қилинади.

УЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ
«Узторгпосредконтора»
«Узбенбирлашув»

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон!** (10.30, 13.15, 16, 18.45).

Лейтенант Слейднинг хатоси — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 18, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

●

«УЗБЕККОНЦЕРТ» РЕСПУБЛИКА ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИГА
эстрада ансамблида ишлаш учун МУЗИКАНТ-СКРИПКАЧИЛАР КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси 10-уй. Телефонлар 33-35-08, 33-67-73.

Узбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ва Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми коллективлари академик Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори М. М. Мирзаевга рафиқаси

Руҳия Ғуломовна МИРЗАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси коллективи меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўлими бошлиғининг ўринбосари Л. Н. Засимкога турмуш ўртоғи

Шоҳаммат Шоаҳмедович ШОМУҲИДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42. Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66; Нашриёт диспетчери — 32-76-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 02621. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 189.